

Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!

Mustaqillik huquq demakdir

Нидо



1997-yil 27-avgustdan chiqqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2016-yil 21-iyul, №29 (1018)

Бош прокуратурада

Тадбиркорлик субъектлари фаолияти қонун ҳимоясида

Прокуратура органлари томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида қатор тадбирлар амалга оширилмақда.

Бу борада 2015 йил ва 2016 йилнинг 6 ойи давомида ўтказилган назорат тадбирлари давомида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, назорат ва бошқа давлат органлари ходимлари томонидан содир этилган 12 мингдан ортиқ қонун бузилиши ҳолатлари аниқланиб, 1200 дан ортиқ мансабдор шахс маъмурий ёки интизомий жавобгарликка тортилди, 250 дан ортиқ жиноят иши қўзғатилди. Бунинг натижасида 9350 нафар тадбиркорнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Бош прокуратура ташаббуси билан манфаатдор вазирлик, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, тадбиркорлик субъектлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида ташкил этилган видеоконференция мазкур соҳага доир қонунчилик ижросини янада самарали таъминлаш масаласига бағишланди.

Видеоконференция давомида мамлакатимизда кейинги йиллар давомида қабул қилинган тадбиркорлик фаолияти эркинлигини кафолатловчи қонун ҳужжатлари, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 сентябрдаги "Тадбиркорлик субъектларига "ягона дарча" та-

мойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижроси доирасида амалга оширилаётган ишлар муҳокама этилди.

Тадбирда қайд этилганидек, юқоридаги қарорга асосан 194 та "ягона дарча" марказлари фаолияти йўлга қўйилиб, уларда тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш учун барча зарур шароитлар яратилган. "Ягона дарча" марказлари орқали 16 та турдаги давлат хизматлари кўрсатилиши кўзда тутилган бўлиб, фуқаролар уларда тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтишлари ва тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун зарур рўхсатномаларни олишлари мумкин. Шу билан бирга, ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш, инженерлик-коммуникация тармоқларига уланиш, бино ва иншоотларни рўйхатдан ўтказиш каби давлат хизматлари ҳам "ягона дарча" марказлари ёрдамида амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, прокуратура органлари томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амал-

га оширилаётган чора-тадбирлар ҳам видеоконференция иштирокчиларининг диққат марказида бўлди.

Таъкидланганидек, Бош прокуратурада Мурожаатларни туну кун телефон орқали қабул қилиш маркази ташкил этилган бўлиб, 34 та вазирлик ва идора билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатилган. Мурожаатларнинг кўриб чиқиши устидан электрон назорат тизими жорий қилинган.

Марказнинг ўтган даврдаги фаолияти давомида қабул қилинган мурожаатларнинг 64 мингдан ортиги ҳал этилиб, натижаси бўйича 330 та қонуний қарорга нисбатан протестлар келтирилди, қонун бузилишлари ва уларнинг келиб чиқиш сабабларини бартараф этиш ҳақида 364 та тақдимнома ҳамда судларга 23,4 млрд. сўмни ундириш юзасидан даъво аризалари киритилди. Қонун бузилишларига йўл қўйган 886 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилди, кўпол қонун бузилиши ҳолатлари бўйича 402 та жиноят иши қўзғатилди.

Шунингдек, тадбирда айрим давлат бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар

томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашш, уларга тўсқинлик қилиш, ҳуқуқларини чеклаш ва давлат хизматларини кўрсатишда қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўйилаётгани танқид остига олинди.

Шу билан бирга, тадбиркорликни янада ривожлантиришнинг амалий ва ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш масалалари ҳам муҳокама этилди, ушбу йўналишдаги ишларни изчиллик билан давом эттириш, шу жумладан, бу борада аниқланган камчиликларни бартараф этиш, амалдаги қонунчиликни такомиллаштиришга оид зарур чоралар кўриш ва тақлифлар ишлаб чиқиш лозимлигига алоҳида урғу берилди.

Видеоконференцияда мамлакатимизда фаолият олиб бораётган мингга яқин тадбиркор иштирок этиб, уларни қизиқтираётган масалалар бўйича тегишли ҳуқуқий тушунтиришлар берилди.

Тадбир якунида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини янада қулайлаштиришга қаратилган зарур чора-тадбирлар белгиланиб олинди.

Бош прокуратура
Матбуот хизмати

Изчил ислоҳотлар самарасининг кенг намойиши

Тошкентдаги «Ўзэкспомарказ»да I Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси якунланди

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2016 йил 1 июндаги Халқаро мева-сабзавот ярмаркасини ташкил этиш ва уни ҳар йили ўтказиб туриш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорига асосан ўтказилган мазкур ярмарка Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирликлари, "Ўзбекизоқовқатхолдинг" холдинг компанияси, "Ўзбекизоқовқатзахира" уюшмаси, "Ўзагроэкспорт" ихтисослаштирилган ташқи савдо компанияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

"Ўзбекизоқовқатхолдинг" холдинг компанияси маълумотларига асосан, ярмарка якунларига кўра, мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича қиймати 2 миллиард АҚШ долларидан зиёд бўлган 270 шартнома имзоланди. Экспорт қилинадиган маҳсулотларнинг 27 фоизини сабзавотлар, 25 фоизини узум, 20 фоизини мевалар, 17,6 фоизини қуртилган ва қайта ишланган маҳсулотлар, 8,4 фоизини дуккакли маҳсулотлар, 2 фоизини қовун ташкил қилди. Ярмарка нихоясига етган бўлсада, шартномалар тузиш ишлари давом этмоқда.

I Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси доирасида бўлиб ўтган "Ўзбекистон мева-сабзавот маҳсулотларининг устуниги" мавзусидаги халқаро илмий-

амалий конференция иштирокчилари Ўзбекистонда етиштирилган сабзавот ва полиз маҳсулотларининг табиий хусусиятлари, юқори истеъмол сифати, соҳада амалга оширилаётган модернизация ва диверсификация самаралари билан яқиндан таништирилди. Анжуман мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштиришнинг тежамкор технологиялари, мева-сабзавотларни қайта ишлаш ва экспорт қилиш тизимини такомиллаштириш, ушбу маҳсулотларни касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш, селекция ва уруғчилик, сувни тежайдиган технологиялардан фойдаланиш масалаларини атрофчи муҳокама қилиш, ўзаро фикр ва тажриба алмашиш имконини берди. Ўзбекистонда аграр саноат жа-



дал ривожланмоқда. Бугунги кунда ушбу соҳа мамлакатимиз янги ички маҳсулотига катта ҳисса қўшмоқда ва экспорт таркибида салмоқли улушга эга.

Халқаро ярмаркада ҳўл ва қуруқ мевалар, цитруслар, сабзавотлар, полиз экинлари, дуккакли ўсимликлар, ёнғоқлар, зираворлар, ичимликлар, қадқлаш технологиялари, совутиш ускуналари, транспорт ва логистикага оид кўплаб бўлимлар ишлади. Ўзбекистон мева-сабзавотчилик соҳаси вакил-

ларининг маҳсулотлари мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган 170 дан ортиқ компания экспозицияларида кенг ўрин эгаллади. Улар кўплаб турдаги мева-сабзавот маҳсулотларини намойиш қилиб, ўз хизматларини тақлиф этди. Барча вилоятларнинг мева-сабзавотчилик соҳасидаги салоҳиятига оид тақдимотлар ўтказилди.

I Халқаро мева-сабзавот ярмаркасида турли мамлакатлардан уч юздан зиёд ишбилармон

доиралар вакилларининг қатнашгани чет эл ишлаб чиқарувчилари ҳамда савдо компанияларининг Ўзбекистон билан ҳамкорликдан манфаатдорлигини яна бир бор исботлади.

Анжуман доирасида иштирокчилар Тошкент, Самарканд, Бухоро, Хоразм, Жиззах вилоятларидаги қорхоналар, фермер ҳўжаликлари ва боғларда бўлиб, қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш борасида амалга оширилган ислоҳотлар самаралари, мева-сабзавот етиштириш, сифатли сақлаш ва қадқлаш тизими, экспортга тайёрлаш жараёни билан бевосита танишди. Мухтасар айтганда, Президентимиз ташаббуси билан ўтказилган ушбу ярмарка мамлакатимиз ишбилармонлари ва чет эллик ҳамкорлар ўртасида музокаралар ўтказиш, тажриба алмашиш, ўзаро ҳамкорлик истиқболларини белгилаш, шартномалар имзолаш, хорижий инвестицияларни жалб этиш, жаҳон озиқ-овқат маҳсулотлари бозорининг йўналишлари ва ривожланиш истиқболларини таҳлил этиш, Ўзбекистоннинг экспорт салоҳиятини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Юртимизда йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга қаратилаётган алоҳида эътибор инсон ҳаёти-ни асрашдек олижаноб мақсадларга хизмат қилмоқда. Йўл ҳаракати соҳасининг изчил тақомиллаштириш бораётгани аҳоли хавфсизлиги ва саломатлигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. Қонунчиликнинг янада тақомиллаштирилгани йўл ҳаракати иштирокчиларига қулайликлар яратиш ҳамда уларнинг бу борадаги маданиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Жумладан, 2013 йил 10 апрелда қабул тахрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонуни бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу қонун фуқаролар ҳаёти ва соғлигини муҳофаза этиш, уларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини, юридик ва жисмоний шахсларнинг мулки, атроф-муҳитни ҳимоя қилишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Йўл ҳаракати қоидаларини янада тақомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрда қабул қилинган қарорига кўра, "Йўл ҳаракати Қоидалари"нинг янги тахрири тасдиқланди.

Ҳозирги кунда бутун дунёда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш иши долзарб масалалардан бирига айланган. Чунки, йўл-транспорт ҳодисалари натижасида мамлакатлар

Тезликни ошириб...



Равшан ҲАКИМОВ,
Юнусобод туман
прокурорининг ўринбосари

тахлилларга асосланган ҳолда тезлик оширилса, транспортнинг ёнилғи сарфи, йўлда юришга кетадиган вақт тежаланиши, атроф-муҳит ифлосланишининг олди олиниши мумкин. Масаланинг мана шу томонларини ҳамда тегишли мутахассисларнинг мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда турар жой даҳаларида транспорт ҳаракатини тартибга солиб, кўп қаватли уйлар орасида аҳоли хавфсизлигини таъминлаш учун юқори тезликни соатига 30 километр қилиб белгилаб қўйилди. Бундан ташқари, худди шу банд билан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликларига ДИҲХХ билан келишган ҳолда, агар йўлнинг ҳолати тезликни ошириш имкониятини берса, айрим жойларда ёки айрим йўл бўлақларида, айрим транспорт воситаларига белгиланган тезликни ошириш учун рухсат бериш ваколати берилди.

Дарҳақиқат, ҳайдовчиларнинг йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилишлари нафақат ўзларининг, балки барча йўл ҳаракати иштирокчиларининг хавфсизлиги учун жуда муҳимдир. Бироқ оқибатини ўйламай тезликни ошириш кўпинча аянчли яқун топади. Фуқаро Азамат Ҳусанов (исм-фамилия-

лар ўзгартирилган) ҳам уловининг тезлигини меъёрдан ошириши оқибатида бир инсоннинг умрига зомин бўлди.

Мамарасул Мардонов олий-гоҳни тамомлаб, энди катта ҳаётга қадам ташлаётган эди. Не-не оруз-умидлар билан фарзандини ўқитган ота-она ана энди бемалол ўғлимизга суянсақ бўлади, деб туришганида уларнинг бошига мушкул савдо тушди. Тун ярмидан оққанида келган мудҳиш хабар уларни эсанкратиб қўйди...

Шу йилнинг 7 март кунини тунги соат 01:00лар атрофида Азамат Ҳусанов ўзига тегишли "Спарк" русумли автомобилни бошқариб бораркан, "Йўл ҳаракати Қоидалари"га зид равишда тезликни оширилгани сабабли пиёдалар ўтиш жойидан ўтаётган М.Мардоновни уриб юборди. Дарҳол жабрланувчини икки оғайнига билан бирга шифохонага олиб боришди. Бироқ унинг ҳаётини сақлаб қолишнинг имкони бўлмади.

Фарзандидан жудо бўлган ота айбдорни кечирмади. Жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман суди мажмур ишни атрофчида кўриб чиқиб, А.Ҳусановга нисбатан 2 йил муддатга транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, 4 йилга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.

Мана шу воқеадан ҳам кўриниб турибдики, йўл ҳаракати қоидаларига амал қилмаслик қанчалар аянчли яқун топади. Азаматнинг қандайдир сонияларни тежайман деган фикри бир инсон умрига зомин бўлди, тўрт йиллик умрини эса панжара ортида ўтказишга маҳрум қилди.

Пул муомаласи тақомиллаштирилади

Нақд пул муомаласининг белгиланган меъёрлар асосида амалга оширилиши мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишида улкан аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги "Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори бу жараённинг ҳуқуқий асосларидан бири бўлиб, масала ечимида муҳим омил саналади.

Таъкидлаш жоизки, ушбу қарор ҳўжалик юритувчи субъектларнинг нақд пул тушумини инкасса қилиш, бу борада белгиланган қоидаларга риоя этилиши юзасидан режадан ташқари тежор текширишларни амалга ошириш, назорат-касса машиналарини қатъий равишда қўллаш, нақд пул тушуми яширилган ҳолларда содир бўлган ҳуқуқбузарликлар учун тегишли чоралар каби муҳим масалаларни тартибга солиди. Хонқа туман прокуратураси томонидан мажмур қарор талабларининг бажарилиши аҳоли, пул муомаласини тақомиллаштиришга оид қонунчилик ижроси ўрганилди.

Ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, айрим ҳолларда комиссия томонидан нақд пул тушуми прогнозини савдо ва хизмат кўрсатишининг ҳақиқий аҳолидан келиб чиқмаган ҳолда ҳамда нотўғри белгилаш ҳолатларига йўл қўйилган. Хусусан, туман пул-кредит сибсати комиссияси томонидан "Қўшқўпиршаробсавдо" қорхонасига қарашли савдо шохобчасига ҳар ойлик нақд пул тушуми режаси 55 млн. сўм қилиб белгиланган бир вақтда худди шундай нақд пул тушумига эга "Хоразмшаробсавдо" қорхонасига қарашли савдо шохобчасига 2016 йил январь-апрель ойлари учун 18,5 млн. сўм нақд пул режаси белгиланган, яъни режа реал имкониятдан келиб чиқиб белгиланмаган.

Шунингдек, текшириш давомида 3 та тад-

иқтисодиётига жуда катта зарар етмоқда. Шунингдек, бундай ҳодисалар маънавий жиҳатдан инсонларга ҳар қанча моддий бойлик эвазига ҳам тиклаб бўлмайдиган даражада зарар етказмоқда. Тасаввур қилинг, кексайган онанинг суяничи, бахтиёр бир оиланинг боши, икки нафар фарзанднинг отаси, оила боқувчиси эрталаб ўйидан қийин ниятлар билан ишга чиқиб кетиб, қоидага амал қилмаган бир ҳайдовчининг айби билан оила аъзолари олдида қайтолмас. Арзимас сонияларни қизғониб, оширилган тезлик кекса онани фарзанд доғига, икки фарзандни етимликка, аёлни эса беваликка маҳрум этади. Автомобил гилдираклари остида кўз юмаётган бегуноҳ инсонлар орасида кимнингдир отаси, кимнингдир онаси, баъзиларнинг жондан

азиз фарзандлари борлигини тасаввур қиладиган бўлсак, бу ҳодисаларнинг аянчли кўриниши яққол намоён бўлади.

Янги тахрирдаги "Йўл ҳаракати Қоидалари"га 15 та қўшимча киритилди. Бундан ташқари, бир қанча ўзгаришлар амалга оширилди. Айрим атамалар ҳамда тушунчаларга аниқликлар киритилди.

Янги тахрирдаги "Йўл ҳаракати қоидалари"да алоҳида эътибор қаратилган яна бир нарса бу тезликдир. Биласиз, транспорт воситалари сони кўрдан-кўнга ортиб бормоқда. Транспортлар сонининг ортishi тирбандликлар ҳосил бўлишига сабаб бўлапти. Маълумки, белгиланган тезлик талаблари бузилса у оғир оқибатли йўл-транспорт ҳодисаларини келтириб чиқариши мумкин. Агар маълум ҳудудларда

Фахриддин ЮСУПОВ,
Хонқа туман прокуратураси терговчиси

биркорлик субъекти ўз фаолиятини тўхтатганига қарамадан уларга комиссия томонидан нақд пул режаси белгилангани маълум бўлди.


Тахлиллар бундай ҳолат комиссия фаолияти тўғри ташкил этилмаганлиги оқибатида юзага келганини кўрсатмоқда. Нақд пулда савдо ва хизмат кўрсатувчи субъектларга нотўғри прогноз режалари белгиланиши мажмур субъектлар томонидан пул тушуми режаси бажарилмасдан қолишига сабаб бўлган.

Тумандаги нақд пул тушумига эга ҳўжалик юритувчи субъектларнинг нақд пул топшириш бўйича реал имконияти ўртача 10 миллиард сўмдан ортиқни кўрсатса-да, 2016 йил январь-апрель ойларида прогноз 8,6 миллиард сўм қилиб белгиланган. Нақд пул тушумига эга 187 та юридик шахс ва 737 нафар яқка тартибдаги тadbirkorлар, жами 924 та тadbirkorлик субъектлари ўз фаолиятида назорат-касса машиналарига эга бўлмасдан, нақд пул маблағларини НКМдан ўтказмаётганлиги ҳамда тегишли банк муассасаларига топширмасдан келётганлиги аниқланди.

Чорвачилик ва паррандачилик йўналишидаги фермер ҳўжалиklarининг 35 тасида 2015 йил давомида нақд пул режаси 25 фоиздан кам бажарилган бўлса-да, комиссия томонидан мажмур ҳолатлар ўрганилмаган ва ҳеч қандай тadbirkorлар амалга оширилмаган.

Бу каби далилларга таянган ҳолда туман пул-кредит сибсати комиссиясининг раиси Ф.Сатторовга нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди.

Мамлакат иқтисодиётида етакчи ўрин тутувчи нақд пул муомаласи масаласига юзак қарашга ҳаққимиз йўқ. Бу солик тушумида, бюджетни шакллантиришда, фуқароларнинг ижтимоий шарт-шароитларини янада яхшилашда муҳим аҳамият касб этади.



Таътил мароқли ўтсин

Шерзод МАҲАММАДИЕВ,
Самарқанд вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

Жорий йилда Самарқанд вилоятида 24 та доимий оромгоҳда 6695 нафар ва 52 та кундузги оромгоҳда 3453 нафар болалар соғломлаштирилмоқда. Вилоят прокуратураси томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 мартдаги "Болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш юзасидан ушбу оромгоҳларда назорат тadbirkorлари ўтказилди.

Бу жараёнда таълим масканларида қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўйилаётганлиги аниқланди. Хусусан, Иштихон туманидаги "Шифокор" болалар оромгоҳи девор билан тўлиқ ўралмаган, худудда са-нитария-гигиена талабларига риоя қилинмаган. Самарқанд туманидаги "Ситора" оромгоҳи бирламчи ёнги ўчириш асбоб ва ускуналари билан етарли таъминланмаган, электр сим ва кабеллари лаборатория синовидан ўтказилмаган, фавкуллода ҳолатда кутқариш режалари ишлаб чиқилмаган. Шунингдек, ўрганиш давомида бу каби камчиликларга Пахтачи туманидаги "Хумор" оромгоҳида, Булунгур туманидаги "Соҳибкор" оромгоҳида ҳам йўл қўйилганлиги аниқланди.

Ўтказилган назорат тadbirkorларида аниқланган хато ва камчиликлар зудлик билан бартараф қилиниб, айбдор шахсларнинг жавобгарлик масаласи хал қилинди.

Худудий прокурорлар томонидан оромгоҳларда аниқланган қонун бузилиши ҳолатларини бартараф қилиш юзасидан соҳадаги масъул шахслар номига тақдимномалар киритилган, 30 нафардан ортқ масъул шахслар интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилди.

Қонун устуворлиги таъминланди

Бугун Ўзбекистон халқаро ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси, халқаро майдонда ўз сўзи, ўз ўрнига эга бўлган, ривожланиб бораётган мамлакатлар қаторида эътироф этилмоқда. Бундай ижобий ўзгаришларга, шубҳасиз, юртимизда давлат органлари фаолияти тўғри йўлга қўйилгани, давлат ва жамият ҳаёти адолатли қонунлар билан тартибга солинаётгани, инсон ҳақ-ҳуқуқлари олий қадрият сифатида уағланаётгани тўғрисида эришилмоқда.

Конунларнинг бутун мамлакат ҳудудида аниқ ва бир хил ижро этилишини назорат қилиш Ўзбекистон Конституциясига ва "Прокуратура тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ прокуратура органлари зиммасига юклатилган.

Аввало, барча қонун ҳужжатлари давлат ва халқ мафнафатини қўзғаб қабул қилинишини таъкидлаш жоиз. Уларга қандай риоя қилиниши эса аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини кўрсатувчи кўзгудир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 27 мартдаги "Нақд пул маблағларини жалб қилиш ва унга бўлган эҳтиёжни таъминлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги "Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2004 йил 24 сентябрь кунги "Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари

тўғрисида"ги Қарорлари ва соҳага оид бошқа қонун ҳужжатлари ҳам халқимизнинг турмуш тарзини янада юксалтиришга қаратилган. Мазкур қонун ҳужжатларининг ижроси устидан прокуратура органлари томонидан назорат ўрнатилган.

Назорат тадбирларида ҳўжалик субъектларида нақд пул прогнози савдо ҳамда хизмат кўрсатишнинг ҳақиқий аҳолидан келиб чиққан ҳолда белгиланганлиги, банк муассасалари ва солиқ органлари томонидан хронометраж ва мониторинг тадбирларининг тўлиқ ва холис ўтказилганлиги ва аниқланган қонун бузилиш ҳолатларига ўз вақтида қонуний чоралар кўрилганлиги каби масалалар ўрганилмоқда.

Бундан ташқари, иш ҳақи, пенсия, нафақа ва бошқа ижтимоий тўловларнинг ўз вақтида нақд пул билан таъминланганлиги, мижозларнинг буюртмалари асосида нақд пул захираси яратилганлиги, тижорат банклари томонидан барча филиаллар, минибанклар ва жамгарма кассаларида



терминаллар ўрнатилганлиги, тадбиркорлик субъектлари ва фуқароларга терминаллар ва банк пластик карточкаларининг зарур миқдорда етказиб берилаётганлиги эътибор қаратилиб, қонун талабларини бузган ходимларга нисбатан тегишли чоралар кўрилмоқда. Масалан, "Миллий банк"нинг Хўжайли тумани филиали томонидан республика "Меҳрибонлик уйи", Иқтисодиёт ва педагогика коллежи, Архив бўлими, Транспорт коллежи, ободонлаштириш бошқармаси, тумандаги 6 та умумтаълим мактаблари ходимларининг иш ҳақлари учун нақд пуллар тўлови асосиз равишда кечиктирилиб, фуқароларнинг ҳуқуқлари поймол этилгани аниқланди.

Мазкур ҳолатлар юзасидан ушбу банкнинг туман филиали масъул ходимларига нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилиб, жиноят ишлари бўйича туман суди қарорига кўра жарима жазоси тайинланган.

Шунингдек, Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛКК

департаментининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси билан ҳамкорликда аниқланган савдо қондаларининг бузилиши билан боғлиқ ҳолатлар юзасидан жиноят ишлари қўзғатилди. Жумладан, "Suxrob-Afroz trans" масъулияти чекланган жамияти мансабдор шахслари 2015 йил 5 октябрдан 2016 йил 8 январга қадар ёнлиги-мойлаш материалларини сотишдан тушган жами 756,6 млн. сўм нақд пулни назорат-касса аппаратида ҳам ўтказмаган, банкка ҳам топширмаган. Ушбу ҳолат бўйича ҳам тегишли қонуний чоралар кўрилди.

Жорий йилнинг ўтган даврида нақд пулнинг банкдан ташқари муомаласини қисқартириш билан боғлиқ ўтказилган 1355 та назорат тадбирларида 1 млрд. 480 млн. сўмлик қонун ҳужжатлари бўлмаган товарлар аниқланди.

Жумладан, "Нукус Зелена" масъулияти чекланган жамияти мансабдор шахслари томонидан қонун ҳужжатлари бўлмаган, истеъмолга яроқсиз 16 турдаги 120,5 млн. сўмлик

Илҳамбай АБДУЛЛАЕВ,
Қорақалпоғистон Республикаси
прокуратураси бўлим бошлиғи

озик-овқат маҳсулотлари сотилаётганлиги фош этилди. Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда. Шунингдек, автомобиль транспортда йўловчиларни ташиш билан қонуний шугулланишнинг олдини олиш мақсадида ўтказилган рейдларда 326 та қонун бузилиши ҳолатларига барҳам берилиб, айбдор шахслар тегишли тартибда жавобгарликка тортилди. Чунончи, "Нукус-Хўжайли-Нукус" йўналишида ўтказилган рейдда рухсатномасиз фаолият юритиб келаётган 14 нафар фуқаро аниқланиб, маъмурий баённома расмийлаштирилди ва суднинг қарорига асосан айбдорларга жарима қўлланилди.

Кўрилатган таъсир чораларидан кўзланган асосий мақсад фуқароларни бундан кейин қонунларни бузмасликка ундаш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш, шу орқали дидиримизда қонун устувор бўлган муҳитни шакллантиришдир. Энг муҳими, ким бўлишидан, касб-коридан қатъи назар, барча юрtdошларимиз ўзини шу азиз ватанимиз тақдирига дахлдор деб билиши, унинг равақат йўлида сидқидилдан меҳнат қилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида "Истиқлол йилларида парламентнинг қонунлар ижроси устидан назоратни олиб бориш ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинишини мониторинг қилиш амалиёти-ни такомиллаштириш масалалари" мавзусида семинар ташкил этилди.

Парламент назорати такомиллашмоқда

Куйи палатанинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси ҳамда Сенатнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда сенаторлар, депутатлар, турли идора ва ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси раиси А. Саидов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ҳокимиятлар бўлиниши тамойилини ҳаётга татбиқ этиш, парламентнинг давлат ҳокимияти тизимидаги ролини ошириш, қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг назорат функцияларини кенгайтириш бўйича кенг қўламли ишлар олиб борилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 12 апрелда қабул қилинган "Парламент назорати тўғрисида"ги Қонуни бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлди. Унда парламент назоратининг объекти аниқ белгиланган. Яъни парламент давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, уларнинг мансабдор шахсларини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Давлат дастурлари ижро этилиши, шунингдек, ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни бажариши юзасидан назорат қилади.

Конституциямизда белгиланган ҳокимиятлар бўлиниши принципи асосида парламентнинг ролини ошириш ва фаолиятини такомиллаштириш, қонунчилик ҳамда ҳокимият вакиллари органларининг марказ ва жойлардаги ваколатлари ва назорат вазифаларини кучайтиришга қаратилган демократик ўзгаришлар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Йиғилишда иштирокчилар парламент назоратига оид қонунчиликни, бу соҳадаги ҳуқуқни қўллаш амалиёти янада такомиллаштиришга доир тақлиф-мулоҳазалар билдирди.

Ишлатиб бўлинган симобли лампаларни қайтарганга мукофот

Жараён

Мамлакатимизда энергия тежамкор ускуна ва технологиялар ҳаётга кенг татбиқ этилиб, энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланилмоқда. Чўғланма лампалар ўрнини эгаллаётган замонавий люминесцент лампалари бу борада муҳим ўрин тутмоқда.

Энергия тежамкор лампаларнинг ишлаш давомийлиги аънавий лампаларга нисбатан 10 баробарга кўпроқ, ёруғлик самарадорлиги 4-5 баробар юқори. Чўғланма лампалар каби ёритиш даражасига эга бўлган энергияни тежайдиган лампалардан фойдаланилганда, электр энергиясини истеъмол қилиш 5 баробардан кам бўлмаган миқдорда қамайиб, сарфланаётган электр энергиясининг 19 фоизи ёритишга сарфланади. Ҳисоб-китоблар кўрсатишича, ҳозирги кунда истеъмол қилинаётган электр энергиясининг 40-50 фоизини энергия тежамкор технологиялар, замонавий ёруғлик манбалари ва ёритиш тизимларидан фойдаланиш орқали иқтисод қилиш мумкин.

Тежамкор лампалардан фойдаланиш, утилизация қилиш алоҳида эътиборни талаб қилмайдиган жараён эканини таъкидлаш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 21 сентябрда "Симобли лампаларнинг ишлатилиб бўлган ресурсларини тўплаш ва уларни утилизация қилишни ташкил этиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги Қарори қабул қилиниб, унга мувофиқ ўтган даврда ишлатиб бўлинган симобли лампаларни тўплаш ва уларни утилизация қилиш бўйича тизимнинг яратилиши таъминланди. Жорий йилнинг 28 июнида мазкур қарорга бир қатор ўзгариш ва қўшимчалар киритилиши ишлатиб бўлинган ёки фойдаланиш учун яроқсиз симобли лампаларни тўплаш, утилизация қилишни ташкил этиш, шунингдек, атоф-муҳитни симоб билан ифлослашдан муҳофаза қилиш ишларини такомиллаштириш имконини яратди.

Янги тартибга мувофиқ, люминесцент лампаларни қайта ишлашга топширган аҳоли учун че-

фирма миқдори 5 фоиздан 10 фоизга қадар оширилди. Яъни ишлатиб бўлинган симобли лампаларни (ишлаб чиқарувчи корхонадан қатъи назар) қайтарган одам мамлакатимизда ишлаб чиқарилган энергияни тежайдиган янги лампага 10 фоиз пастроқ нархда харид қилиш имкониятига эга бўлади.

Шу пайтга қадар бу турдаги чиқиндиларни тўплашда махсус идишлардан фойдаланилган бўлса, эндиликда бу жараёнда лампаларни шикастламайдиган ва улардаги симобли моддаларнинг ҳавога чиқиши, сув манбалари, tupроқ ва озик-овқат маҳсулотларига тушишининг олдини олишга махсус ўрнатилган контейнерлардан фойдаланиш тартиби жорий қилинди.

Симобли лампаларни аҳолига савдо шохобчалари, шунингдек, фирма дўконлари, ишлаб чиқарувчи ҳамда импорт қилувчи корхоналарнинг ваколатхоналарида сотадиган тадбиркорлик субъектлари симобли лампаларнинг ишлатилиб бўлган ресурсларини қабул қилиб олишга мажбур.

Яна бир ўзгариш — симобли чиқиндиларни ташқишга тааллуқлидир. Хусусан, маиший чиқиндиларни тўплаш пунктларида йиғилган симобли лампаларни утилизация қилиш ташкилотларигача транспортда етказиб бериш билан иختисослаштирилган санитария-тозалаш ташкилотлари ҳамда ободонлаштириш бошқармалари шугулланиши белгиланди. Шу пайтга қадар бу вазифа "Махсустанс" ишлаб чиқариш бирлашмасига бириктирилган эди.

"Ўзтэксанс" акциядорлик компаниясига энергияни тежайдиган лампаларни ишлаб чиқарувчи корхоналар ва маҳаллий ҳокимият органлари билан келишилган ҳолда аҳолидан ишлатиб бўлинган симобли лампаларни қабул қилиб олиш ва утилизация қилиш ташкилотларига бериш учун энергияни тежайдиган лампаларни турғун савдо шохобчалари орқали сотувчи савдо объектиларини жойлаштириш вазифаси юклатилди.

Симобли лампаларнинг ишлатилиб бўлган ресурсларини тўплаш ва уларни утилизация қилиш тизимига жорий этилаётган мазкур ўзгаришлар аҳоли саломатлиги ҳамда атоф-муҳит муҳофазасини таъминлашга хизмат қилади.

Самарадорлик мезонлари

Ижтимоий-иқтисодий самарадорлик тушунчаси анча мураккаб, ўз навбатида баҳс-талоб тушунчадир. Иқтисодиётда самарадорлик тушунчаси фундаментал категория бўлиб, у инсон, жамият ва давлатга тегишли мавжуд имкониятлар ва ресурслардан қандай наф билан фойдаланилаётганини белгилаб беради. Ишлаб чиқаришда, хизмат кўрсатиш соҳаларида, шунингдек инсон ўзининг бўш вақтида, умуман, инсон, жамият ва давлат ҳаёти давомида узлуксиз равишда юқорида айтиб ўтилган имконият ва ресурслар ишлатилади.

Инсон, жамият ва давлат фаолиятидаги имконият ва ресурслар самарали ишлатилиши объектив ҳолат деб тушунишимиз зарур ва бундан келиб чиқиб, уларни инсон манфаатларини, ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган йўналишларда юқори натижалар билан ишлатиш йўллари аниқлаш муҳим вазифа ҳисобланади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар фаолиятида ҳам иқтисодий ресурслар ишлатилиб, бунда давлат бюджети маблағларининг сарф этилиши тушунилади. Бу маблағлар ҳажми ҳақида фикр юритганимизда, гап, бир қарашда, унинг даражаси инсон, жамият ва давлат муносабатларида ўрнатилган ҳуқуқ-тартибот ва қонунчилик амал қилиниши даражасининг кўрсаткичи ҳақида бораётгандек бўлади. Яъни қанча кўп маблағ сарфланса шунга яраша ҳуқуқ-тартибот ва қонунчилик юқори даражада ўрнатилган, деган тушунча ҳосил бўлади. Лекин, мазкур идоралар фаолиятини фақат иқтисодий самарадорлик мезонлари билан баҳолашни тўғри эмас, деб ўйлаймиз.

Энг муҳим кўрсаткич — ижтимоий меъёрлар (социал нормалар), уларнинг даражаси ва ўзгариши инсон, жамият ва давлат муносабатларида нимани ифодалайди ва уларни амалга ошириш тадбирлари қандай ижтимоий-иқтисодий мезонлар асосида баҳолашни мумкинлиги ҳақидаги масалани тўғри тушуниш ўта муҳим амалий вазифа ҳисобланади.

Бир сўз билан айтганда, ижтимоий меъёрлар инсон томонидан амал қилиниши зарур бўлган, жамият ва дав-

лат ҳаётини мўтадил, ижтимоий хавфсиз ривожланиш йўлини таъминлашга қаратилган тартиб-қоидалар мажмуидир. Бу тартиб-қоидалар Конституция ва у асосида қабул қилинган меъёрий ҳужжатларда ўз аксини топган. Алоҳида таъкидлаш керакки, бу меъёрлар тартиб ва шажарасида ҳуқуқ бутун бир ижтимоий меъёрлар тизими шаклланишида бош омил сифатида намоён бўлади. Ҳуқуқни муҳофаза қилуш идоралари фаолиятини мамлакат ҳудудида ана шу ижтимоий меъёрларнинг амал қилиниши йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган фаолият деб қараш керак бўлади. Аниқроғи, бу фаолият натижасида ўрнатилган ижтимоий меъёрларнинг бузилишига, инсон, жамият ва давлат манфаатларига етказилиши мумкин бўлган зарарларга қарши курашишга қаратилган фаолият ҳисобланади. Бу ерда, ушбу фаолиятга нисбатан ижтимоий-иқтисодий самарадорлик мезонлари ана шу зарарларнинг муқобил иқтисодий қийматлари кўринишида гавдаланади.

Айтилик, иқтисодий фаолият ривожланиши билан бир қаторда кўпгина янги соҳалар ташкил этилиши, уларга мос равишда маҳсулот ҳамда хизмат турлари пайдо бўлиши ва ривожланиши ўз навбатида янги иқтисодий муносабатлар тизимининг шаклланишига олиб келади. Масалан, бугунги ҳаётимизнинг ажралмас қисми бўлиб бораётган интернет, мобил алоқа тизимларини айтишимиз мумкин. Лекин мазкур тизимларнинг тобора тараққий этиб бориши жамият ҳаётида ўзига хос бўлган турли хил ижтимоий хавф-хатарларни ҳам келтириб чиқармоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 16 сентябрдаги 250-сонли қарори билан республикамизда Ахборот хавфсизлигини таъминлаш маркази ташкил этилган. Бу марказнинг энг асосий вазифалари сифатида давлат органларининг компьютер ва ахборот технологияларидан фойдаланиш соҳасидаги қонун бузилишларининг олдини олиш масалалари бўйича улар билан бирликлда ишларни ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, Интернет тармоғи миллий сегментида пайдо бўлаётган ахборот хавфи таҳдидлари тўғрисида фойдаланувчиларни тезкор хабардор қилиш, электрон ахборот маконида кузатилаётган бузғунчи ҳаракатларни амалга оширувчи усул ва воситаларни таҳлил этишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилиш белгиланган. Мазкур марказ фаолиятининг мазмун-моҳиятини институционал нуқтаи назардан талқин этадиган бўлсак, бу марказга, ахборот жараёнлари ва умуман ахборотларнинг ҳозирги кун реал ҳаётимизда тугган ўрнини тўлиқ англаб етишимизга, улардан фойдаланиш ва тасарруф этишимизда қўйлаётган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий тадбир натижаси ва шу билан бирга, мазкур соҳада ижтимоий меъёрлар такомиллашуви қаратилган тадбир натижаси деб қараш керак бўлади. Умуман олганда, марказ инсон, жамият ва давлатнинг ахборотга бўлган эҳтиёжлари қонуний қондирилишида хавфсизлик чораларини қўришни ташкилий тузилмаси сифатида фаолият юритади.

Ушбу йўналишда ижтимоий хавфнинг намоён бўлиши у ёки бу шахснинг жамият ва давлат институтлари билан бўладиган ахборот муносабатларида ўзининг ёки шу муносабатларга киришадиган субъектларнинг манфаатларига, ҳуқуқларига етказилдиган зарарда кўришимиз мумкин. Аниқроғи,

ахборот юзасидан содир бўладиган ҳуқуқбузарликлар нимани аниқлаш, шунга мос зарар даражасидаги келиб чиқадиган хавфда намоён бўлади. Ахборот юзасидан содир бўладиган ҳуқуқбузарликларни аниқ санаб ўтиш қийин масала, шу боис уларга қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти самарадорлигини аниқлаш бундан мураккаб. Умумий ҳолда қуйидагиларни келтириш мумкин:

1. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги, бир томондан, жамиятда ўрнатилган ижтимоий меъёрларнинг инсоннинг турмуш тарзи, ҳаётининг фаолияти, иқтисодий ва бошқа соҳалардаги бандлиги, унинг давлат ва жамият билан муносабатларидаги ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатлари ва бажарилиши зарур бўлган мажбуриятларнинг муҳофаза этилишига қай даражада жавоб беришига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, жами содир этилган ҳуқуқбузарликлар натижасида инсон, жамият ва давлат кўрган зарарларнинг баҳоси аниқ бирор бир иқтисодий кўрсаткич билан ифода қилиниши мумкинлиги даражасида аниқланади. Демак, самарадорлик биз ҳоҳлаётганимиз йўқми, иқтисодий кўрсаткичлар ёрдамида баҳоланади.

2. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини баҳолашга тизимли ёндашиш талаб этилади. Тизимли ёндашиш деганда биз жамиятнинг ҳуқуқ-тартибот ва қонунчиликнинг етарли даражаси таъминланишига бўлган эҳтиёжини ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва сиёсий омиллар асосида шаклландирган эҳтиёж деб қарашини тушунашимиз. Бизнинг мисолимизда эса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти билан эришилаётган натижани айнан инсон, жамият ва давлат муносабатларини уйғунлаштириш орқали тараққийоти таъминлашга тўсқинлик қилувчи ҳуқуқбузарликларнинг олдини

Улугбек ТУРДИБЕКОВ,
Солиқ академияси доценти,
иқтисод фанлари номзоди

олиш ва унга қарши курашишнинг ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва сиёсий соҳаларда мумкин йўқотишларини (зарарларни) иқтисодий баҳолаш ёрдамида олинган ҳулосалар тарзида ифода қилиниши мумкин. Демак, олинган ҳулосада жами ҳуқуқбузарликлар таъсирида жамият тараққийотининг бу ҳуқуқбузарликлар содир этилмаган ҳолдаги тараққийотидан фарқ қилиши муқаррарлиги ҳақида фикр-мулоҳазаларни ҳужасам бўлади. Ана шу фарқни камайтириш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини аниқлаш мезони сифатида қабул қилиниши керак.

3. Ахборот соҳасида ижтимоий меъёрларнинг амал қилиниши ахборотнинг инсон, жамият ва давлат муносабатларидаги моҳиятини, тугган ўрнини ва иқтисодий баҳосини тўлиқ ифода қилишга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалда қўлланилиши тарзида қўришимиз мумкин. Бу соҳада ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш натижалари, аввал айтганимиздек, иқтисодий кўрсаткичлар ёрдамида, яъни ахборот қиймати, унинг турли соҳаларда намоён бўлиш хусусиятлари ва ана шу қийматга тажовуз турлари натижасида етказилдиган зарар ҳажмини аниқлаш имкониятларидан келиб чиқиб баҳоланади.

Ҳулоса ўрнида айтадиган бўлсак, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг натижалари, самарадорлик кўрсаткичлари жамиятга, инсон ва давлат муносабатларига янги мазмун-моҳият киритишда ҳамда тараққийот омиллари, йўналишлари ва шу тараққийотнинг қиймат кўрсаткичларини белгилашда намоён бўлади. Буларнинг бачоси ҳуқуқ-тартибот ва қонунчилик юқори даражада амал қилинадиган жамият курашига асос бўлади.

Жамиятнинг демократлаштириш ва оммавий ахборот воситалари

Президентимиз томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролар жамиятини ривожлантириш концепциясида ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасида белгиланган вазифалар тўла амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида ўтказилган матбуот анжуманида мазкур вазифалар ижроси ҳақида маълумот берилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда 1400 дан зиёд оммавий ахборот воситаси мавжуд. Уларнинг эркин ва самарали фаолият юритиши учун зарур ҳуқуқий асос ва кафолатлар, кенг имкониятлар яратилган. Ундан ортиқ қонун, 30 га яқин қонуности ҳужжатлари қабул қилинган. Концепцияга му-

вофик, Ўзбекистон Республикасининг "Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида"ги, "Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида"ги Қонун лойиҳалари тайёрланган.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 16 июлдаги "Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланган фаолият турларини ва рўқсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги

Фармонида асосан оммавий ахборот воситалари, матбаа корхоналари ва нашриётлар фаолиятига рўқсатнома ва лицензия олиш учун тўланадиган давлат божи ставкалари икки баробар камайтирилди.

Ахборотни тезкор тарқатиш имконини берадиган интернет журналистикаси ҳам жадал ривожланмоқда. Бугунги кунда Агентлик томонидан 359 та веб-сайт оммавий ахборот воситаси сифатида рўйхатдан ўтган. Улар интернет тармоғи орқали ўзбек ва бир неча хорижий тилларда материаллар бериб бормоқда. Жаҳон интернет-ахборот маконида миллий сегментнинг ошиб бориши Ватанимизнинг халқаро майдондаги обрў-

этибори юксалишига хизмат қилмоқда.

2011 йилдан буён ҳар йили "Ўзбекистон матбуоти" миллий форуми ва миллий кўргазмаси ўтказиб келинмоқда. Турли семинар-тренинглар, анжуманлар, давра суҳбатлари аҳолининг ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий фаоллигини оширишда журналистлар иштирокини кучайтириш, ОАВ ходимларининг тажриби ва малакаларини янада оширишга ҳисса қўшаётди.

Анжуман иштирокчиларини қизиқтирган саволларга мутасаддилар жавоб қайтарди.



Валютафурушлик оқибати

Санжар МАЖИТОВ,
СВОЖЖДЛҚК департаментининг
Сурхондарё вилоят бошқармаси бўлим бошлиғи

Мамлакатимизда валюта бозорини эркинлаштириш, иқтисодий либераллаштириш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу эса иқтисодий таъминнинг барқарорлашуви, инфляция даражасининг пасайишига, инвестиция жараёнига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда.

Ушбу жараён ички валюта бозорининг эркинлашуви, товарларнинг экспорт-импорти, валюта олди-сотди, молиявий операциялар ва савдога алоқадор бўлган пул ўтказиш тушумларининг эркинлашуви олиб келди. Шу сабабли фуқароларимиз бундай қонуний имкониятлардан унумли фойдаланиб, ҳам жамият, ҳам дав-

латга манфаат келтириш билан ўзларининг қонуний даромадига эга бўлмоқдалар.

Лекин фуқароларимиз орасида давлатимиз томонидан яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиш ўрнига валютафурушлик билан шугулланиб келаётганлар ҳам йўқ эмас. СВОЖЖДЛҚК департаментининг Узун туман бўлими ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қи-

лувчи органлар билан ҳамкорликда тумандаги "Ўзбекистон" кўчасида ўтказилган тадбирда фуқаролар А.Қарабаев ва М.Қарабаевлар ўзаро жинорий тил бириктириб, қонунга хилоф равишда валюта қимматликларини сотаётганликлари аниқланди. Тадбирда улардан 7 минг 145 АҚШ доллари, 1000 Россия рубли, 1 млн. 100 минг сўм пул маблағлари ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Ушбу ҳолат юзасидан айбдорларга нисбатан жиноят иши кўзгатилиб, суд томонидан жазо муқаррарлиги таъминланди.

Томорқанинг баҳоси

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, маҳсулот мўл-кўлигини таъминлашда деҳқон хўжалиқларининг муносиби ҳиссаси бор. Ўзбекистон Республикасининг "Деҳқон хўжалиги тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ, мазкур хўжалик оилавий майда товар хўжалиги бўлиб, оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида мерос қилиб қолдирилмаган умрбод эгалик қилиш учун оила бошлиғига бериладиган томорқа ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирилади ва реализация қилади. Бу эса аҳолининг иш билан таъминланиши, турмуш фаровонлигининг ошишида муҳим аҳамият касб этади.

Фуқаро А.Алимов ҳам деҳқон хўжалиги ташкил этиш ҳаракатига тушди. Деҳқончиликни тушунади, меҳнатдан қочмайди. Қолаверса, оила аъзоларининг ҳам иш билан бандлиги таъминланади. У шундай ниятда Шахрисабз туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимига йўл олди. У ердан зарур ва фойдали маслаҳат олиб, қонун доирасида

Мурод БЕРДИЕВ,
СВОЖЖДЛҚК департаментининг
Шахрисабз туман бўлими бошлиғи

иш бошлашдан умидвор эди. Бироқ мазкур бўлим ва туман фермерлар кенгашининг масъул шахслари унинг умидларини пучга чиқармоқчи бўлишди. А.Алимов ер олиши учун аввало, "металлом" топшириши, айрим газеталарга мажбуран обуна бўлиши ва яна 700 минг сўм пора бериши керак эмиш.

А.Алимов юртимизда деҳқон ва фермер хўжалиқларини ривожлантириш борасида олиб борилган давлат сиёсатига қарама-қарши, ҳамон ўз нафосини ўйлаб, тараққиётимизга тўғривор бўлаётган кимсалар борлигидан таажжубга тушди. Бу ҳақда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни хабардор этишни ўзининг виждоний бурчи, деб билди.

Ўтказилган тезкор тадбирда туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими мутахассиси Д.Бозоров А.Алимовдан 700 минг сўмини пора тариқасида олаётган вақтда қўлга олинди. Мазкур ҳолат юзасидан Д.Бозоровга нисбатан жинорий иш кўзгатилиб, жазо муқаррарлиги таъминланди.

Ғижувонлик Эркин Назаров бир неча бор фирибгарлик учун судланган эди. Сўнгги сафар амнистия актига биноан шартли равишда жазодан озод этилди. Аммо у бундан тўғри ҳулоса чиқармаган экан.

Фириб тузоғи

Улугбек ИСАНОВ,
СВОЖЖДЛҚК департаментининг
Самарқанд вилоят бошқармаси
бўлим бошлиғи

Бу сафар у янги "ўлжа" излаб, Нарпай туманидаги "Султонобод" бозорига йўл олди. Устамон йигит фирибгарлик кимдир тушишига ишонарди. Бунинг учун зарур тайёргарликни кўриб, қаердан сотиб олган икки дона 100 АҚШ доллари акс этган қоғоз — сувенирни юмалоқ қилиб ўради. Сўнг сиртини целлофан пакет билан қоплаб, резинка билан маҳкамлади. Эрталаб бозор дарвозасида ҳозир бўлиб, ўткинчиларни кузата бошлади.

Бир пайт қорамолини сотиб, бозордан чиқиб келаётган Зафарга кўзи тушган Эркиннинг чеҳраси очилди: "Ана, бозордан чиқиб келаётган кишининг кўлидаги сумкада пул бор. Мол сотиб чиқатгани билиниб турибди".

Унинг қаршисидан чиқаркан, кўлидаги "тузоқ"ни билдирмай ерга ташлаб юборди. Кўз кири билан Зафар уни кузатаётганини сездди. Намойишкорона ясама долларларни ердан олиб, айлантди кўрди. Табиийки, Зафар уни кузатиб турарди:

— Нима топдингиз? — қизикди у.

— Ваҳима қилманг, — деди Эркин кўрсаткич бармоғини лабига тутди.

Зафар ҳайрон бўлиб унга яқинлашди.

— Мен бир даста 100 долларлик топиб олдима, — дея унга кўлидагини кўрсатди Эркин.

— Қани, мен ҳам бир кўрайчи?!

— Йўқ! Аҳмоқмисиз, юринг четроққа ўтаман. Сиз ҳам кўриб қолдингиз, бўлишиб оламиз.

Улар бозордан чиқиб, четроққа ўтишди.

— Шунча пулни йўқотган одам излаши турган гап. Мен ўша жойга бориб, бир қараб келайчи! Кейин пулни бўли-

шамиз, буни ушлаб туриш, — Эркин шундай дея "пул"ни Зафарга тутқазди. Сўнг бирикки қадам юриб, ортга қайтди.

— Э, йўқ, бунақаси кетмайди, сиз кетиб қолсангиз-чи? — Кетмайман! Қаергаям борардим, — деди соддадил Зафар.

— Чўнтагингизда паспортингиз борми?

— Қизик экансизу?! Одам бозорга ҳам паспорт билан келадими?!

— Барибир сизга ишонолмайман. Тезроқ ортимга қайтиб бир қараб келмасам, излаб келиб қолса, шунча пулдан қуруқ қоламиз, — Эркин Зафарни шошира бошлади. Сўнг асосий мақсадга ўтди. — Сумкангизни беринг, сизда доллар қолади.

Зафар ўйлаб ўтирмай, сумкани пули билан Эркинга тутқазиб юборди. Эркин ўзини одамлар орасига урди. Нарироқда ўткинчи машинани тўхтатиб, жуфтани ростлади.

Қутишдан чарчаган Зафар ҳаёлига келган фикрдан чўчиб тушди. "Нахотки мени алдаб кетган бўлса?!" Шоша-пиша целлофанни очиб кўрди. Ана холос, бор-йўғи иккита сувенир 100 АҚШ долларига ўралган оқ қоғозлар экан. "Нима қилиб қўйдим?! Зафар бошини чангаллади.

Зафар Жўраев вақтини ўтказмай ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ариза билан мурожаат қилди. Фирибгар Эркин Назаров қўлга тушди. Зафарнинг пуллари қайтарилди.

Жинойат эса жазо муқаррар. Суд Эркин Назаровга қилмишига яраша жазо тайинлади.

Тадбиркорлик билан шугулланишни дилига тутиб, яхши ниятлар билан иш бошлаганларга мамлакатимизда барча имкониятлар эшиги очилди. Шунинг баробарида, мулкдорлар фаолиятини ҳимоя қилиш мақсадида мустаҳкам ҳуқуқий асослар ҳам мавжудки, уларнинг йўлига тўсиқ бўладиган ҳар қандай гов тезда бартараф этилади.



Тадбиркорлик ҳалолликда

Бироқ ушбу имкониятларни суистеъмол қилаётган сохта тадбиркорлар ҳам учраб турибди. Ҳабиба Рўзиева (исм-фамилиялар ўзгартирилган) муқаддам судланган бўлишига қарамай, яна қинғини йўллар билан даромад топишни давом эттирди.

2015 йил 20 ноябрь куни ўтказилган тезкор рейдда Ҳ.Рўзиева Вазиршоҳ маҳалла фуқаролар йиғини Қўшқумбақ қишлоғидаги уйда қўлболо усулда ўсимлик ёғи ишлаб чиқараётганлиги аниқланди.

Тадбир давомида унинг хонадонидан 200 килограмм чигит, 105 килограмм ўсимлик ёғи, 80 килограмм кунжа ва бошқа жиҳозлар ашёвий далил сифатида расмийлаштирилиб,

Ғулум БЕШИМОВ,
СВОЖЖДЛҚК департаментининг Ғижувон
туман бўлими катта инспектори

олиб қўйилди.

Мойжуво аппарати ўрнатиб, ёғ ишлаб чиқараётган сохта тадбиркор бир хато иккинчисини етаклаб келишини, шахсий манфаатни устун қўйиш оқибатида жиноят содир этилишини ўйлаб ҳам кўрмади. Йўқса, қонунга хилоф тарзда юқори қучланиши электр токига ҳам ўзбошимчалик билан улашиб олган бўларди.

Мазкур ҳолат жиноят ишлари бўйича Ғижувон туман суди томонидан кўриб чиқилди ва судланувчига жариима жазоси тайинланди.

Сохта диплом ортидан мансаб

Ориф БОЗОРОВ,
СВОЖЖДЛҚК департаментининг
Конимех туман бўлими бошлиғи

Конимех туманида яшовчи фуқаро Бахтиёр Бердиев Ўзбекистон Давлат Жисмоний тарбия институтига тахсил олган бўлса-да, сохта диплом билан 1994 йилдан 2004 йилгача Конимех туманидаги "Енбек" стадионида директор лавозимида, 2004 йилдан 2009 йилгача Конимех иқтисодиёт касб-ҳунар коллежиде "Жисмоний тарбия" фани ўқитувчиси ва хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимларида ҳамда 2009 йилдан 2011 йилгача

худуддаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори лавозимида ишлаб келган. 2011 йилда Бахтиёр Бердиев иккинчи қалбаки дипломини ишга солади. Яъни Навоий Давлат педагогика институтининг "Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият" фани ўқитувчиси их-

тисослиги бўйича бакалавр дипломидан фойдаланиб, 2012 йилгача ушбу спорт мактабиде "услубчи" вазифасида, 2012 йилдан 2014 йилгача қадар директор вазифасини бажарувчи ва 2014 йилдан бошлаб эса директор лавозимида ишлаб келган.

Иккита сохта диплом соҳиби Бахтиёр Бердиевнинг фаолиятига СВОЖЖДЛҚК департаментининг Конимех туман бўлими томонидан чек қўйилди.

Жиноят ишлари бўйича Конимех туман судининг ҳукми билан Бахтиёр Бердиевга тегишли жазо тайинланди.



Инсон қалби ўйинчоқ эмас



"Пулни қувма, пулсиз бўлма", дейди халқимиз. Баъзи бировлар пул топишга шу қадар муқассидан кетадиларки, ҳатто ўз виждонини, иймонини ҳам сотиб юбордилар. Бошқаларнинг фожиасини ўзи учун байрам деб биладиган кимсаларни қандай аташ мумкин? Афсуски, орамизда шундайлар йўқ эмас. Уларнинг айримлари "аёл" номини кўтариб юрганлиги га ишонинг келмайди гоҳида...

Янгиариқлик Насиба Азизовага (исм-фамилиялар ўзгартирилган) нисбатан муқаддам Жиноят кодексининг 169-моддаси билан кўзгатилган жиноят иши амнистия эктига биноан тугатилган эди. "Кўр хассасини бир марта йўқотади", дейди халқимиз. Насибохон бу мақолга амал қилмай, пул бўлса хасса топилаверади, деб ўйладими, яна жиноятга қўл урди. Ухшатмасдан учратмас, деганларидек, 2010 йилда Насиба гурланлик Муяссар Насимов ва билан танишади. Ҳозир "табиб" деб атовчи бу аёл учун бош мақсад мўмай даромад эди.

Бу ҳаётда кимнингдир омади чопади, кимнингдир бошига иш тушади. Баъзи бировлар ўз ташвишини, ҳатто хасталигини ҳам табиблар ёрдамида аритишни яхши кўришади. Бу эса Муяссар каби пул шайдолари учун айни мудоаа. Сохта табиблар билан-билмаганча нималарнидир тиловат қилган бўлишди, қозғога ниманидир ёзиб тутатишди, қарабсизки, пул чўнтақда.

Табибикдан топатган пуллари нафси ҳақалак отган Муяссарга камлик қилиб қолди. Шунда у Насибага кўнги-роқ қилди.

— Зудлик билан келиб кет, яхши иш бор, телефонда айта олмаيمان.

— Урганч туманидан бир одамнинг ўғли наркотик савдосига аралашиб қамалган. Мендан уйини тазолаб беришимни сўрашди. Берадиган икки метр қўйлакниги нима бўларди, кўпроқ пул ундиришимиз мумкин, — деди у Насиба келгач.

Биргаликда Урганч туманида яшовчи Рашид аканикига боришди.

— Бу қиз кучли адвокат. 15 йилга қамалаётганларнинг мuddатини 5-6 йилга тушир-тириб берганини кўрганман. Мижозларининг аксарияти гиёҳвандлик моддаси билан шуғулланувчилар. Ўзгичининг ишини ҳам хамирдан қил суғургандек осон ҳал қилиб беради.

Умидвор банда ҳар нарсадан наҳот кутади. Рашид ака ва унинг турмуш ўртоғи ҳам икки аёлнинг "ширин ёлғон"-ларига ишониди. Ўйларининг қамоқдан тезроқ чиқиши учун нима лозим бўлса,

қилишга рози бўлишди. Насиба улардан 800 АҚШ доллари сўради. Кўп ўтмай 400 АҚШ доллари ва 400 минг сўм пулни қўлга киритди. Олдинига "Иш кетяпти, ўғлингизни кўрдим, суддагилар билан гап-лашдим" қабилидаги гаплар билан телефон қилиб турган Насиба бироздан сўнг умуман қорасини кўрсатмай қўйди.

Бу орада икки фарибгар аёл яна бир инсонни тўрга илтириган эди.

Фарзанд жудолīgi осон эмас. Ўғлининг автохалокат туфайли оламдан кўз юмиши Носир ака ва унинг турмуш ўртоғи учун қаттиқ руҳий зарба бўлди. Иккаласи ҳам саломатлигини анча йўқотишди. Айниқса, Носир аканинг ўзига келиши қийин кечди. Шунда уларга танишлари гурланлик Муяссар табиб ҳақида айтишди.

— Ўғлимнинг ўлганига ишона олмаيمان, — деди Носир ака. — Буни кўнглим сезиб турибди. Автохалокатда ўлган бошқа биров. Жасади бир алпозда эди, таниб бўлмасди. Муяссар қошини чимириб олди-да, нималарнидир режалаштирди.

— Менимча ҳам, ўғлингиз тирикка ўхшаяпти. Йўқ, аниқ сезаяпман, ўғлингиз ўлмаган, — деди қатъий овозда.

— Носир ака сесканиб тушди.

— Илтимос, уни топишимга ёрдам беринг. Нима тиласангиз, муҳайё қиламан, ўғлимни топиб берсангиз бўлди.

Шунда Муяссар яна Насибага ишга солди.

Унга вазиятни яхшилаб тушутиригач, Носир ака ва унинг турмуш ўртоғини уйига чақирди. Гапга чечан Насиба Носир акани яхшилаб авради.

— Ўғлингиз тирик, у қамоқда. Автохалокатни атайин уюштиригач. Кимларгадир халокат бергани учун ўғлингизни қамаб қўйибди, буни ишончли одамлардан эшитганман, — дея Насиба бор макрени ишга солди. Носир акага аллақандай қозғоларни кўрсатди.

— Худого шукур, қамоқда бўлса ҳам майли, тирик бўлса бас. — Носир ака йўғлаб юборди. Суюнчисига дея 100 АҚШ доллари узатди.

— Ие, нима қилиясиз, мен бу ишни пул учун қилмаяпман. Азбаройи сизга ачинга-

Эмас

Гулнат ҚУТИМОВ,
Янгибозор туман прокурорининг
ёрдамчиси
Ойбек ЖУМАНИЁЗОВ,
«Huquq»

нимдан, касбим тақозосига кўра, адолат қарор топиши учун ҳаракат қиялман, — дея тилёғламлик қилди Насиба.

Носир ака суюнчини Муяссарга қолдиришга "мажбур бўлди". У кетгач, икки аёл пулни арра қилишди.

Орадан кўп ўтмай Носир акани яна чақирди.

— Ўғлингиз қайси қамоқдалигини ҳам аниқладим. У ерда ишлайдиганлар билан гап-лашдим. Органдаги танишларимдан илтимос қилдим. Болангизга ёрдам берадиган бўлишди, — деди Насиба. — Фақат биласиз-ку, ҳеч ишни пулсиз битказиб бўлмайди.

— Қанча керак бўлса, мен топиб бераман. Ўғлим эсонмон уйга қайтса бас, — йўғларди Носир ака.

Авалгига 1000 АҚШ долларини қўлга киритган аёллар мижозларини алдашни давом эттирдилар.

— Ўғлингизнинг ахволи ёмон экан. Уни яхшироқ жойга ўтказиш керак.

— Ўғлингизга қараб турадиган одамга пул керак...

— Ўғлингизга озиқ-овқат керак...

Шу тариқа фарибгарлар Носир аканинг 31 500 АҚШ доллари ва 4 млн. 100 минг сўмлик озиқ-овқатини қўлга киритишди. Носир ака бор-буди ни сотди. Кўни-қўшни, қариндош-уруғдан қарз кўтарди...

Вақт ўтгани билан ўғлидан дарак йўқ эди. Бу орада Насиба яна макрени ишга солиб, турли рақамлардан Носир аканинг телефонига СМС ташлаб туришни ҳам унутмади. Қўлга гўёки ҳуқуқ-тартибот идораларида ишловчи одамлар номидан бўлиб, ўғлининг ахволи яхшилиги, яхши қарашаётгани, тез орада озодликка чиқиши ифодаланарди.

"Қинғир ишнинг қийғи қирқ йилдан сўнг ҳам чиқади", дейди халқимиз. Насиба ва Муяссарнинг ҳам қилмишлари фош бўлди.

Хулоса қиладиган бўлсак, пулга ўчлик, ҳар қандай йўл билан унга эғалик қилиш истаги бу икки аёлни боши берк кўчага бошлади. Атрофдагиларнинг изтиробларидан иблисонга фойдаланган аёллар инсон қалбини топташди. Ўйинчоқ қилишди. Охири-оқибат суднинг қора курсисига ўтиришди. Насиба Азизова 11 йил мuddатга, Муяссар Насимова эса 5 йил мuddатга озодликдан маҳрум қилинди. Уларнинг оқибатини ўйла-масдан қилган амаллари қанча инсонларнинг қалбларида доғ қолдириди, изтиробларига изтироб қўшди.

Шу ўринда юртдошларимизни яна бир бор огоҳликка ундаган бўлардик. Бугун биз ривожланган мамлакатда, қонуни устувор давлатда яшаймиз. Ҳар қандай фаолиятимизни қонунга таянган ҳолда амалга оширсак, кўнглимиз хотиржам бўлади.

Ака-ука оилалари билан бир ҳовлида туришади. Сойибжон (исм-фамилиялар ўзгартирилган) табиатан кўрс ва ўжар, қайсарлиги тутганда онаси, акаси билан гап талашиб жанжал чиқарар, спиртли ичимлик ичиб олганда эса одам танимай муштлашади. Айнан бетгачопарлиги, ўжарлиги туфайли бирон жойда муқим ишламади.

Ичкиликнинг аянчли оқибати

Бир мартабали ёлланма ишларда ишлаб косаси оқармади, бири икки бўлмади. Аламини ичкиликдан, турмуш ўртоғидан олишга одатланди. Уруш-жанжаллардан безилган онаси рўзгорини алоҳида қилиб қўйди. Қишлоқдаги бошқа ҳовлига кўчирди. Эр-хотин ўртасидаги можаролар давом этаверди. Турмуш ўртоғи Махбубхон болаларини олиб отасининг уйига кетиб қолди. Маҳалла оқсоқоллари ўртага тушишди, Сойибжон тавба қилдим, деди. Махбубхон кечирди, болалари билан уйига қайтди.

Қиш кунлари ишламай уйда ётган Сойибжон тагин арзимаган баҳона билан жанжал бошлади. Хотинини ҳақоратлаб кўчага чиқиб кетди. Тонг отсин, кўчиб кетамиз, деди тоқати тоқ бўлган аёл кечкурун қизчаларини бағрига босиб. Ўша кунни Сойибжон кеч қайтди.

— Гугурт, қани гугурт, — оғзидан спирт ҳиди анқиб турарди.

— Мана ҳозир, — аёл ётган жойидан туриб гугурт қидиришга тушди.

— Хе сени йўша... — маст Сойибжон аёлини дуч келган жойига ураверди. Қўлига туш-

Анваржон АДҲАМОВ,
Фаргона вилоят прокуратураси
бўлим прокурори

ган ўтин билан бошига солди. Дод солиб кўчага қочган Махбубхоннинг ортидан қувди. Етиб олгач, уриб йикитди. Сочини чангаллаб судради.

Кўшни чиқди. Сойибжон гап уқадиган аҳволда эмасди. Мухторжон акаси Собиржоннинг уйига югурди.

— Укангиз кўчада хотинини уряпти.

— Амакимни чақириб туринг, қийиниб олай.

Учаласи боришганида Сойибжон йўқ, Махбубхон кўчада юз-кўзлари қонга беланган, бехуш ётарди. Қўшнилardan бирининг машинасида касалхонага олиб кетишди. Аёл шифохонага етиб бормади, йўлда жони эдилди.

Бекорчидан худо безор, деб беҳиз айтилмаган. Қайсарлиги, ўжарлиги туфайли бирон жойда ёлчилай ишламагани, спиртли ичимликка ражу қўйгани оқибатида тобора тубанлашиб борган, турмуш ўртоғининг ҳаётига зомин бўлган С.Аҳмедов суд ҳукми билан узоқ мuddатга озодликдан маҳрум этилди.

Тўғри йўлдан адашганлар

Элёр ТАЛАБОВЕВ,
Наманган вилоят прокуратураси бўлим катта прокурори

Дишод Абдусамов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ўша пайтда эндигина 18 ёшга тулган. Айни қалби орзуларга, жўшқинликка тўлган пайти... Минг афсуски, Дишод ана шу навниҳол ёшда эътиборсиз қолди. Кимларнингдир қизиқтириши туфайли дилида турганда истакка ота-онаси осонгина рўйхушлик билдиришди. "Россияга бориб ишласа, ҳам пул топишни урганади, ҳам ота-она қадарини билиб келади", деган хом хаёл билан уни ўзга юртга кузатишди.

Россия давлатида "одноклассники.ru" сайти орқали оила аъзолари билан гап-лашиб турган Дишод кейинчалик турли одамлар билан дўстлашишга қизикди. Одатга айлиниб борган бу "машғулот" эса яхшиликка олиб келмади.

Бир кун у "Абдуллох" номли профил эгасининг саҳифасида Сурия давлатида бўлаётган ҳолатларни кўради. Яна бир сайт орқали эса бир неча жангари роликларни, экстремистик гуруҳларнинг маърузаларини томоша қилади. Табиийки, бундай роликлар унинг ҳаётини қарашларини ўзгартира бошлайди. Шундан сўнг, унинг сўз луғатида «жиход», «хижрат» каби сўзлар пайдо бўлади. Фикри-зикри ҳам шу сўзларнинг амалида бўлиб қолади. Россия давлатидан келгач, ўзи билан яширин олиб келган экстремистик руҳдаги маърузаларнинг электрон шаклини яқин танишлари Мамаюсов Маҳмудов, Саид Хотамбоев, Исоқ Розиков, Ҳасан Йўлдошев, Шодмон Носиров ҳамда Мансур Исроиловга қўйиб беради.

Шундан сўнг улар тез-тез қўришиб туришар, турли экстремистик, фундаменталистик мавзуларда суҳбатлашшар, жиҳод қилиш лозимлиги ҳақидаги даъватларни топиб тинглашарди.

Бора-бора гуруҳга М.Маҳмудов бошчилик қилади ва ўзларини "жиходчилар", дея номлашади. Улар юртимиздаги до-риломон ҳаёт, сиёсий ислохотларга норозилиklarини билдириб, ақидапарастлик фоғларини илгарти суришади. Энг ачинарлиси, бу кимсалар Сурияга "жиход" амалларини бажариш учун чиқиб кетишни режалаштиришади.

Бироқ бу шахслар қабиҳ ниятларига етолмадилар. Қилмишлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан фош этилди. Суд ҳукми билан уларга тегишли жазо тайинланди.

Динни никоб қилиб, овоз ва обод юртимизни, тинч-осойишта турмушимизни кўролмайдиган, ўз юртидаги ислохотларини англаб етмайидиган бундай кимсаларга жазо муқаррардир.

Қасддан банкротлик учун жавобгарлик

Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг асосий мақсади замон талабларига жавоб берадиган, jisмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини олий қадрият сифатида кафолатлайдиган қонунчилик тизими ва уни амалга ошириш механизмини тўлиқ шакллантириш ва амалиётга жорий этишдан иборатдир.

Суд-ҳуқуқ ислохотларининг изчил ва шу билан бирга ҳаётий-мизининг барча жабҳаларини қамраб олган ҳолда давом этаётганлигини Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ Жиноят кодекси "Қасддан банкротликка олиб келиш" деб номланувчи янги 181-модда билан тўлдирилганлиги мисолида ҳам кўриш мумкин.

Мазкур нормага мувофиқ, яқка тартибдаги тadbirkор томонидан ёки юридик шахс мансабдор шахси, муассиси (иштирокчиси) ёхуд мол-мулкнинг мулкдори томонидан шахсий манфаатларини ёки бошқа шахсларнинг манфаатларини кўзлаб содир этилган қасддан банкротликка олиб келиш, яъни тўловга қобилиятсизликни қасддан юзага келтириш ёки ошириш, ушбу яқка тартибдаги тadbirkорнинг ёки юридик шахсининг барқарор иқтисодий ноқорчилигига (банкротликка) олиб келса, кредиторларга кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса — қасддан банкротликка олиб келиш деб топилди ва айбдор шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари тўғрисидаги қоида мустаҳкамлаб қўйилган. Мазкур конституциявий қоида талабларидан келиб чиқиб, яқка тартибдаги тadbirkор ёки юридик шахс мансабдор шахси, муассиси (иштирокчиси) ёхуд мол-мулкнинг мулкдорлари ҳам тadbirkорлик фаолиятини амалга оширишда қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган мажбуриятларини бажариши шартлиги назарда тутилган. Худди шунингдек, "Тadbirkорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9-моддасида тadbirkорлик фаолияти субъектлари томонидан ўзлари тузган шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариши, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаши каби қоидалар мустаҳкамланган.

Жиноят ҳуқуқи мутахассислари қасддан банкротликка олиб келишни ўз хусусиятига кўра ижтимоий хавфлик даражаси юқори бўлган жиноят сифатида баҳолашмоқда, негаки мулкдорнинг ўз ташаббуси билан ташки-

лотни қасддан банкротликка олиб келиши ва бундай ҳаракатлар оқибати виждонли субъектларнинг қарздорлик мажбуриятларини бажармаслиги ва натижада уларга жиддий моддий зарар етказилишида, солиқ ва мажбурий тўловлар давлат бюджетига тушмаслиги, бундан ташқари, банкрот деб топилган ташкилот ишчи ва хизматчиларининг меҳнат ҳуқуқларига путур етказишда ифодаланади.

Қасддан банкротликка олиб келиш объектив ва субъектив аломатларнинг аниқ тўплами билан тавсифланади ва кредитор қарздорликни тўлашдан бўйин товлаш мақсадида амалга оширилади. Қасддан банкротликка олиб келиш тарзидаги жиноятнинг асосий объектларга — қонун билан ўрнатилган иқтисодий фаолият, ушбу фаолият субъектларининг манфаатларидир. Қўшимча объектлар эса — банкрот деб топилган юридик шахс ёки яқка тартибдаги тadbirkордан мажбурий тўловларни ололмаган шахсларнинг ҳамда кредиторларнинг мулкий манфаатлари ҳамда банкрот корхона ишчи ва хизматчиларининг меҳнат ҳуқуқлари ҳисобланади.

Мазкур жиноятнинг объектив томони — яқка тартибдаги тadbirkор томонидан ёки юридик шахс мансабдор шахси, муассиси (иштирокчиси) ёхуд мол-мулкнинг мулкдори томонидан шахсий манфаатларини ёки бошқа шахсларнинг манфаатларини кўзлаб содир этилган қасддан банкротликка олиб келиш, яъни тўловга қобилиятсизликни қасддан юзага келтириш натижасида кредиторларга кўп миқдорда зарар етказилишига намоён бўлади.

Тўловга қобилиятсизликни қасддан юзага келтириш ёки ошириш ўз моҳиятига кўра қуйидагиларда ифодаланади, яъни қарздор ўз ихтиёрида бўлган ёки унга берилган мулкни расрата қилиш ёхуд ўринсиз сарфлаши ва натижада бу мулк ёки унинг қиймати мулкдорнинг тасарруфига қайта қайтмайдиган хусусиятига эга бўлишидир. Бундай ҳолат мол-мулкни ёки товар (маҳсулот)ларни пасайтирилган нархларда ёхуд зарар келтирадиган бошқа битимлар бўйича сотиш, асоссиз харажатлар, шунингдек олинган кредитлардан фойдани кўзламасдан фойдаланиш натижасида келиб чиқиши мумкин.

Кредитларни олиш ёки бериш, шунингдек, турли хил битимлар тузиш тadbirkорлик субъектлари хўжалик ҳаётининг бевосита таркибий қисми ҳисобланиб, бу соҳада тadbirkорнинг фаолиятини чеклаб қўядиган қонун

билан белгиланган қоидалар ёхуд мажбурий муайян андозалар мавжуд эмас. Лекин, турли хил битимларни тузишда тadbirkор ўз шериклари ва контрагентларнинг мулкий манфаатларига тааллуқли ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиш учун ўзининг жавобгарлигини аниқ англаши, тузилган шартномалар, битимларда белгиланган барча мажбуриятларни бажариши зарур.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 14 август кунги қарори билан тасдиқланган "Сохта банкротлик, банкротликни яшириш ва қасддан банкротликка олиб келиш аломатларини аниқлаш Қоидалари"га мувофиқ, қасддан банкротликка олиб келиш аломатларини аниқлаш ҳўжалик суди томонидан қарздорни банкрот деб эътироф этилган ҳамда тугатишга доир иш юритиш бошлангандан кейин, қарздор учун мажбурий қўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга бўлган ёхуд унинг хатти-ҳаракатларини бошқача тарзда аломатлаш имкониятига эга бўлган шахсларнинг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари асосида банкротликнинг келтириб чиқарилиши тахмин қилиш асослари мавжуд бўлганда амалга оширилади.

Юридик шахсининг банкротлиги юридик шахс учун мажбурий қўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга бўлган ушбу юридик шахснинг муассиси (қатнашчиси) ёки мулкдори томонидан фақат, агар у қўрсатиб ўтилган ҳуқуқдан юридик шахс томонидан бунинг оқибатида юридик шахснинг банкротлиги бошланишини олдиндан билган ҳолда юзага келтирилган хатти-ҳаракатлар содир этиш мақсадида фойдаланган бўлса, қасддан банкротликка олиб келиш деб ҳисобланади.

Қарздорнинг қасддан банкротликка олиб келиш аломатлари бунинг натижасида қарздорнинг банкротлиги юзага келишини олдиндан билган ҳолда қуйидаги хатти-ҳаракатларни содир этишида ифодаланади: пул маблағларидан ва бошқа мол-мулкдан қарздорга қасддан зарар етказган ҳолда жиндони тарзда фойдаланиш; тўлов интизомини бузиш ва шартнома мажбуриятларини бажармаслик; мол-мулкни баланс қийматидан паст нархда сотиш ёки уни текин бериш; мuddати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзларни ундириш бўйича белгиланган мuddатларда чора-тadbirkорлар кўрсатмаслик; асосий фаолиятга (ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ва хизматлар қўрсатишга) жалб этилган қарздор активларининг 50 фоиздан ортигини бошқа шахсларга бериш; ижро этuviчи орган ва (ёки) кузатув кенгаши томонидан тегишли равишда улар-

Шухрат АБАКУЛОВ,

Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛКК департаменти катта криминалисти

нинг ваколатига кирмайдиган йирик битимлар тузиш.

Қарздорни қасддан банкротликка олиб келиш аломатларини аниқлаш мақсадида таҳлил ўтказилади, у икки босқичга бўлинади. Биринчи босқичда юқорида кўрсатилган Қоидаларнинг 13 ва 17-бандларида кўрсатилган қўрсаткичлар бўйича қарздорнинг тўлов қобилияти таҳлил қилинади ва қарздорнинг ўз кредиторлари олдидаги мажбуриятлари таъминланганлиги ўрганилаётган даврда юз берган ўзгаришларни тавсифловчи қўрсаткичлар ҳисоблаб чиқилади. Биринчи босқичда мажбуриятлар таъминланганлиги қўрсаткичларида жиддий ёмонлаш аниқланган тақдирда, иккинчи босқичда шу даврнинг ўзида қарздорнинг ўз кредиторлари олдидаги мажбуриятлари таъминланганлиги қўрсаткичларида жиддий ўзгаришларга олиб келган битимларни содир этиш шарт-шароитлари таҳлил қилинади.

Қарздор учун олдиндан маълум бўлган фойда бермайдиган шартларда битимларга қуйидагилар киритиши мумкин: вужудга келган бозор конъюктурасига нисбатан етказиб берилмайдиган (сотиб олинмайдиган) товарларга (ишларга, хизматларга) нархларнинг пасайтирилиши ёки оширилиши; тўловнинг қарздор учун ноқулай мuddатлари ва (ёки) усуллари; қарздор мол-мулкнинг ўзига берилиши ёки мол-мулкка мажбуриятлар юкланишининг ҳар қандай шакллари, агар улар қарздорлик тенг даражада қисқариши билан бирга кечмаса.

Жиноят ҳуқуқи олимларининг фикрига кўра, қасддан банкротликка олиб келиш мулкдор томонидан шахсий манфаатларини ёки бошқа шахсларнинг манфаатларини кўзлаб содир этилиши ва бундай ҳаракатлар паст нархларда активларни ўзлаштириш, бизнес устидан назоратни кўлга киритиш ёки кредиторлик қарздорликни тўлашдан бўйин товлаш ва бошқа ғаразли мақсадларни назарда тутган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, юртимизда тadbirkорлик фаолиятини юритиш учун зарур ҳуқуқий база шаклланди. Шундай экан, ҳар бир тadbirkорлик субъекти ўз фаолиятини қонун доирасида юритиши, уни ривожлантириши, кенгайтириши ва даромад олиш мақсади йўлида кредиторларнинг, шунингдек жамият ва давлат манфаатларига путур етказмаслиги зарурлигини доимо ёдда тутиши даркор.

Инсон шаъни ва қадр-қиммати топталмасин

/Давоми/

Бошланиш 3-бетда/

"Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши эса мамлакатимизда одам савдосига қарши курашиш, одам савдосидан жабрланганларни ҳимоялашда муҳим босқич бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори билан қарор қонун нормалари амалга таъбиқ этилди. Мамлакатимизда одам савдосига қарши курашишни самарали ташкил этиш мақсадида

Миллий Режа тасдиқланиб, тегишли давлат органлари ва жамоат ташкилотлари олдида аниқ вазифалар қўйилди.

Одам савдосига қарши курашиш, бундай жиноят қурбонларини ижтимоий ҳимоялаш тadbirkорлик комплекс харақтерга эга эканлиги инобатга олиниб, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг бу борадаги фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссияси тузилди.

Жойларда ҳам одам савдосига қарши курашиш бўйича

худудий идоралараро комиссияларнинг фаолияти тўлиқ йўлга қўйилиб, уларда ташкил этилган ишчи гуруҳлари ўз фаолиятини олиб бормоқда. Миллий Дастурга мувофиқ одам савдосига қарши курашиш борасида қонунчиликни такомиллаштириш ишлари изчил давом этмоқда.

Департаментнинг Қамаш туман бўлими томонидан Д.Салимов ва бошқаларнинг аризаси ўрганилганда, фуқаро Ш.Ўткиров "Шевча" ва "Алик" исми шахслар билан ўзаро жиноий тил бириктириб, Д.Салимов, З.Салимов ва Б.Қоравеларга ҳар ойда 500 АҚШ доллари миқдоридан иш ҳақи беришни ваъда

қилиб, уларни 2014 йил сентябрь ойида Россия Федерацияси, Москва областидаги ҳарбий шаҳарчага олиб бориб, ишлатишгани аниқланди. Одамфурушлар жабрланувчиларнинг 18 млн. 953 минг сўмлик иш ҳақларини бермасдан ўзлаштириб юбордилар. Ушбу ҳолат юзасидан департаментнинг Қамаш туман бўлими томонидан фуқаро Ш.Ўткировга ва бошқаларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддаси билан жиноят иши қўзғатилиб, айбдорларга нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланди.

Хулоса қиладиган бўлсак, ушбу жиноятнинг олдини

олиш учун кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда тарғибот ва ташвиқот ишларини янада жадаллаштириш, маҳалаларда фаолият кўрсатаётган диний-маърифий масалалар бўйича маслаҳатчилар имкониятиларидан самарали фойдаланиш, шунингдек, хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазаси, уларнинг ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш ишларини кучайтириш зарур.

Таъкидлаш жоизки, инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати ҳурмат ва эъзозга лойиқ. Инсоний қадриятларни топташга уринган ҳар қандай шахсга қонун олдида жавобгарлик муқаррардир.

Эсиз, инсон деган ном

Баъзида "ойна жаҳон"да қўлсиз, оёқсиз инсонларнинг ҳаёт учун курашаётганлигини, ногирон бўлишига қарамай, ўзидан яхши ном қолдириш мақсадида имкон қадар оиласи, жамият учун фойдалар меҳнат билан шуғулланаётганлигини кўриб, уларнинг иродасига таҳсинлар айтамыз.

Ногирон бўлса-да, бировга оғирлиги тушмай, эзгу ишлар билан умр дафтарида беэътиборлигидан қанчадан-қанча киши сабоқ олишини ҳис этамиз. Бирок тўрт мучаси соғ бўлса-да, меҳнатга буй бермасдан, ўтганнинг ўроғига, кетганининг кетмонига чанг солаётган кимсалар ҳам борки, уларнинг қилмишларидан кўнгли хира тортади. Эсиз, инсон деган ном, дегинг келади.

Шахрисабз туманининг Мирраки қўрғончасида 2006 йилнинг ёзида бўлиб ўтган бир муҳим ҳодиса кимларнингдир ёдидан кўтарилган бўлиши мумкин. Ана шу ҳодиса сабаб етим қолган фарзандлар, суяқчини йўқотган аёлнинг мана ўн йилдирки, кўзларидан ёш аримайди. Жиноятчининг топилишидан, унга адолатли жазо берилишидан умидвор бўлиб яшади. Қонун устувор бўлган жамиятимизда эса жиноят учун жазо муқаррар!

...Сарвар кўзини очганида кун ёйилиб бўлганди. Кеча уйга роса маст бўлиб келганиги тўфайли, эрталабдан боши зирқираб оғрир, кўнгли беҳу-

зур бўларди. Эринибгина ўридан туриб, ариқдаги муздек сувга юзини ювди. Озгина ўзига келгандек бўлди. Кейин чорпога ёнбошлаганча уйга толди. Кеча кимлар билан бирга ичганини, кейин нималар бўлганини эслашга уринди. Ёдида қолгани кимнидир дўппослагани бўлди. Уша одамни кўз олдига келтирди. Ахир, у Раззоқ новвой эди-ку! Негадир юрагини ваҳима босди. Ишқилиб, унга ҳеч нарса қилмаган бўлсин-да! Сарварнинг кўнглидан шундай ўй ўтди. Сўнг воқеалар тафсилотини билиш учун кўчага отланди. Аммо уйдан чиқиб билан Раззоқнинг ўлими тўғрисидаги хабарни эшитди. Бундан қўрқувга тушган йигит дарҳол уйига қайтиб, лаш-лушларини тайёрлади. Ишлаш баҳонасида шошилган пойтахтга йўл олди. Анкироғи, жавобгарликдан қўтулиб қолиш мақсадида жуфтани ростилади. Шундай қилса, жиноят излари ҳам ўзи билан бирга кетадигандек туюлди. Бу Сарварнинг хомхаллиги эди. У қонундан бир муддат қочининг уддасидан чиқди. Аммо...

Раззоқ Мерганов (мархум) Чернобль АЭС ҳалокатини бартараф этишда қатнашиб, соғлиғидан айрилган, иккинчи гуруҳ ногирони эди. Шундай бўлса-да, новвойлик ортидан рўзгор тебратиб, оиласини боқиб келаётганди.

2006 йилнинг 23 июль куни Р.Мерганов новвойхонадан қайтгач, одатдагидек кечки салқинда қўйларини ўтлатиб келиш учун далага чиқди. Қўйларни ўтқоққа ҳайдаб, ўзи тош устида чўқалади. Атрофга разм солди. Пувиқор тоғларга, адирларга ён бағридаги баланд арчаларга, қиза-риб ботаётган қуёшга қараб ширин хаёлларга берилди. Оёқ оғриғи безовта қила бошлагач, ортига қайтди.

Оқшом олдида маҳалладаги йигитларнинг бурчак-бурчакда тўпланиб туриши одат тусига кирганди. Баъзи бекорчилик эса маҳалладаги савдо дўкон олдидими, емақоналардами, тенгқурали билан "отамлашар", вақт алламаҳал бўлганига қадар кўча-кўйда сангиб юришарди. Р.Мерганов болалар боччаси ёнидан ўтиб бораркан, тарвуз ситаётган жойда бир тўда ёш-аланларга кўзи тушди. Уларнинг барчаси маҳалладошлари, қолаверса, боласи тенгилар бўлганлиги сабабли бош ирғаб саломлашди-да, йўлида давом этди. ***

...Уйда пайвандлаш ишлари туғалгач, уста кетишга чоғланди. Сарвар ихтилат ҳақи эвазига устага кимки шаша вино олиб беришга ваъда бериб, у билан кўчага чиқди. Ваъдасини бажариб, мактаб спорт залига йўл олди. Бироз машқ қилиб, орти-

га қайтди. Дўконга кириб, битта шисани бўшатди. Уйга қайтаркан, тарвуз сотиб турган йигитларни кўриб, уларнинг ёнига борди. Йигитлар билан бироз хангомалашгандек бўлди. Шом тушиб қолган бўлса-да, офтобнинг тафти унча пайсалмаган. Халигина ичилган ароқ Сарварга ўз таъсирини кўрсата бошлади. Боши айланган, теваракага ғазабнок тикилди. Шу пайтда рўпарадан келаётган Р.Мергановни кўриб, миёсида бўлмағур фикрлар чарх ура бошлади.

— Бу ёққа кел, контуж!

Р.Мерганов овоз келган томонга қаради. Уч-тўрт қадам нарида турган йигитлар орасидан маҳалладоши Сарварга кўзи тушди. Унинг беўхшов илжайишидан маст эканлигини билди. Муаммо чиқаргиси келмай, йўлида давом этди. Қолаверса, Сарвар боласи тенги йигитлиги учун у билан баҳслашишни ўзига эътибор билмади. Аммо Сарвар отаси тенги инсоннинг шаънини топташдан тўхтамади. Р.Мергановнинг парвосизлиги унинг жаҳлини чиқарди. Ҳозир камситилгандек ҳис этди.

— Сенга бу ёққа кел дедим. Нега келмайсан?!

Сарвар шундай дея Р.Мергановнинг ёқасига чанг солди. Атрофдаги йигитлар бир кўнглисизлик бўлмасин тагин, дея уларни ажратибгина уринишди. Аммо Сарвар инсоний-

Баҳодир УСМОНОВ,
Қашқадарь вилоят
прокуратураси бўлим катта
прокурори
Норбўта ҲОЗИЕВ,
«Huquq»

лик қиёфасини буткул йўқотиб бўлганди. Уртоқлари ажратиб қўйишса-да, ерда ётган таёқни олиб, қутилмаганда Р.Мергановнинг бошига туширди. Р.Мерганов "оҳ" деганча ерга йиқилди. Кўзига ёмон кўринган инсон ерда ётганлигидан фойдаланиб уни ваҳшийларча қалтаклай бошлади. Юзига оқаётган қонни артишга ва қалтаклардан ўзини ҳимоялашга уринадиган маҳалладоши Сарварга кўзи тушди. Унинг беўхшов илжайишидан маст эканлигини билди. Муаммо чиқаргиси келмай, йўлида давом этди. Қолаверса, Сарвар боласи тенги йигитлиги учун у билан баҳслашишни ўзига эътибор билмади. Аммо Сарвар отаси тенги инсоннинг шаънини топташдан тўхтамади. Р.Мергановнинг парвосизлиги унинг жаҳлини чиқарди. Ҳозир камситилгандек ҳис этди.

— Сенга бу ёққа кел дедим. Нега келмайсан?!

Сарвар шундай дея Р.Мергановнинг ёқасига чанг солди. Атрофдаги йигитлар бир кўнглисизлик бўлмасин тагин, дея уларни ажратибгина уринишди. Аммо Сарвар инсоний-


Бу хабардан бошлиқ ва бош ҳисобчидан бошқа ҳамма негадир хурсанд эди. "Нимани текширар экан?", деган ҳаёл миёсидан ялт этиб ўтган Нуржона (исм-фамилиялар ўзгартрилган) қилган хатолари ва ноқонуний хатти-ҳаракатларини бир бошдан ўйлаб бошлади. Буни қарангки, ноқонуний қилмишлари бир-бир ёқига туша бошлади. Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли 3-сон оилавий поликлиникада 2010 йилдан юритган фаолиятини ёлға олди. "Шуни ҳеч бўлмаганда нега бир-икки ой олдин ўйлаб кўрмадим-а?!" Бу қўрқув эмас, балки виждон азоби эди.

Тафтишчи келармиш...

Лазизбек АҲАДОВ,
Бухоро шаҳар прокурорининг ўринбосари

Н.Худоёрованинг зиммасига эғаллаб турган лавозимига кўра ўзига юклатилган бу вазифаларни яхши билади. Бирок, билишнинг ўзи билан кифояланмай, унга амал ҳам қилиш кераклиги эса бош ҳисобчини умуман қизиқтирмади. Ваколатидан шахсий манфаатлари йўлида фойдалангани, фойдани кўзлагани бор ҳақиқат.

Жумладан, бош ҳисобчи 2013 йил декабрь ойдан 2014 йилнинг ноябрига қадар бўлган даврда бухгалтерия ишларини юритишга мўлжалланган компьютер программаси орқали иш ҳақи тўловларини ҳисоблаш ҳисоботлари ва тўлов қайдномаларига сохта маълумот ва ёзувлар киритиб, қонун бузилишига йўл қўйди. Бундан кимлардир манфаатдор бўлди, аммо давлат бюджетни зарар кўрди. Шунингдек, ходимларнинг аванс пулларини, смета харажати жадваллари, штатлар билриги бўйича киритилган сохта ёзув ва маълумотлар "эвази"га поликлинника бош ҳисобчиси қарийб 50 миллион сўм маблағини талон-тоғроқ қилган.



Қонунлар, меъриый ҳужжатлар, қолаверса, бюджет интизомини бузган бош ҳисобчи тафтишдан бежизга қўрқмаган эди-да! Жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг ҳужмига кўра Н.Худоёрова икки йил муддатга мансабдорлик ва жавобгарлик лавозимларидан ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилиб, жарима жазосига тортилди.

Виждон азоби

Садирали МИРЗОКАРИМОВ,
Сўх туман прокурорининг ёрдამчиси

кирди. Меҳмонхонасидаги қутидан, телевизор олдидаги темир чойнак ичидан бир дона 10 доллар ва бир дона 1000 рубль, иккита тилла узукни чўнтагига солиб чиқиб кетди. Узукларни бозорга олиб бериб, 8000 Россия рубли ва 42 минг сўмга сотди. Рублларни ва 10 АҚШ долларини сўмга алмаштириб, Раҳим акага 1 млн. сўм қарзини тўлади. Сотилмаган бир қоп ўрикни ҳам топшириб, қарзини узди-ю... юриш-туришида халоват йўқолди. Эртага кўз-кўзга тушса, Бадриддин аканинг юзига қандай қарайди? Қилмиши фой бўлгач, маҳаллада қандай бош кўтариб юради?

Виждонини ютиб юбормаган, қилмишидан руҳан азоб чеккан 22 яшар йигит туман ИИБга бош эгиб борди. Айби-га иқдор бўлиб, ариза ёзди. Қариндошлари Бадриддин акага 3 млн. сўм йиғиб беришди.

Жабрланувчи Б.Сирожи-динов хонадонига ҳеч ким йўқлигида яширинча кириб пуллар ва тилла узукларини ўғирлаб чиқиб кетган, кечирим сўраб, етказилган зарарини қоплаган Ф.Аҳмадовга нисбатан даввоси йўқлигини баён этди. Суд судланувчининг қилмишидан чин кўнглидан пушаймонлиги, муқаддам судланмагани, етказилган зарарнинг ўрни қоплангани, жабрланувчиларнинг унга енгиллик берилишини сўрашганини инobatга олиб, жарима жазосини тайинлашни лозим топди.

Уйлани, рўзгор ташвиши бошига тушди. Фарзандали бўлади. Аксарият таниш-билишлари, тенгдошларининг иши ўнгилдан келиб, оёққа туриб олишяпти. Таабиркорлик қилиб, боғла, далада, фермер хўжалигида, корхона, савдо-сотикда ишлаб, ризқларини топишяпти. Иши юришган айримлари шаҳардан ҳам квартира-уй олиб қўйишяпти. Фурқат (исм-фамилиялар ўзгартрилган) савдо-сотик билан шуғулланишни мўлжаллади.

ринг, сотиб бўлай...

— Яна бир ҳафта кутаман. Келаси сешанба қарзингни тўлаб қўясан.

Кейинги ҳафтанинг сешанба куни Фурқат 1 миллион сўм ва сотилмай қолган бир қоп — 600 минг сўмлик ўрик келтириб берди. Орадан бир ой ўтиб, Раҳим аканинг хонадонига ИИБ ходимлари кириб келишди. Фурқатга ўрик сотган-сотмаганини суриштиришди. Раҳим ака у сўнгги бор келтириб берган пулдан ортгани — 1000 сўмлик ва 500 сўмлик, жами 400 минг сўм пулни топширди. ***

Фурқат оёғи куйган товукдай питирлаб қолди. Бир ҳафтада 1 млн. 600 минг сўмни қаердан топиб беради? Ҳозир сотиб топган пулини ишлатиб қўйган бўлса... Беш-олти ҳовли нарида турадиган қўшниси дўкондор, бойвачча. Билдирмасдан пулини олиб чиқиб, қарзини тўласа, ким билиб ўтирибди.

9 февраль куни Бадриддин аканинг уйида ҳеч ким йўқлигида ишонч ҳосил қилиб, дарвозахонадан эмас, ёнбошдаги захира эшиқдан ичкарига



Бирок иш бошлаш учун сармоя қани? Бировлар ақл бўлди. "Улгуржи олган нарсангни сотиб бўлиб, ҳисоб-китоб қилсанг ҳам бўлади", дейишди. Дарвоқе, ҳамкишлоқлар бир-бирларига ишонишадди, пулини сотиб бериш шарти билан улгуржи мева оласа бўлади-ку! Ҳозир қиш кунлари қуритилган ўрикнинг бозори чаққон.

Раҳим акага учради. — Бўпти, килосини насияга йиғирма икки минг сўмдан бераман. Улгуржи нархи шу. Тагин сўраб-суриштириб кўришин мумкин.

Чакана нархи ўттиз минг сўмгача. Хомчўт қилса, беш юз-олти юз минг сўм фойда қолади.

— Бўпти ака. — Пулини бир ҳафтада тўлайсан. — Розиман.

Фурқат 165 килограмм ўрикни насияга 3 млн. 630 минг сўмга сотиб олиб, бозорга чиқди. Бирок иши юришмади. Бир ҳафта ўтиб, Раҳим акага пулнинг ярмини бера олди, холос. — Қолгани қани? — Ака, бироз муддат бе-

Ҳайдовчисиз автобус ҳодиса сабабчиси



Шотландия пойтахти Глазго шаҳри кўчаларидан бирида тўхтаб турган ҳайдовчисиз икки қаватли автобус жойидан кўзғалиб, кўча бўйлаб юриб кетган, дея хабар бермоқда "The Guardian" нашри.

Автобусни бир неча йўловчи тўхта-тишга ҳаракат қилган, аммо уддасидан чиқа олишмаган. Автобус светофорда турган энгил машиналарга бориб урил-

ган. Натижада бир неча энгил машиналар бир-бирига урилиб, зарарланган. Автоҳалокатда бир неча йўловчи ҳам жароҳатланган. Айни вақтда воқеа сабаб-ларига ойдинлик киритилмоқда.

Қимматбаҳо суратдаги кроссворд

Нюрнберг полицияси Санъат ва дизайн музейидаги 116 минг АҚШ долларлик суратда тасвирланган кроссворд-ни кимдир ечиб, унга шикаст етказгани учун иш очган. Бу ишни 91 ёшли аёл қилгани аниқлангач, у ҳибсга олинган ва кейинроқ қўйиб юборилган.

Кекса аёл ҳуқуқ-тартибот муассасалари ходимларига сурат юқорисидан "сўзни қўй" деган ёзувни кўриб, шундай қилиш керак экан деб ўйлаганини айтган. Аёл полициядан қўйиб юборилди, унга нисбатан иш кўзгатилмади.

Музей директорининг айтишича, суратга етказилган зарар сўғурта маблағлари орқали қопланади.

Таъкидланишича, ушбу сурат қадимий бўлиб, даниялик Артур Кепкеннинг хусусий коллекциясидан бўлган. Музей уни бир неча кунга ижарага олиб турган эди.

Коллекционер бу ҳодисани юмор билан қабул қилди. "Аёлга эътирозим йўқ. У тинчгина ухлайверса бўлади", деб ҳазиллашди у.



Қора

туйнуклар ўрганилади

Япониянинг аэрокосмик тадқиқотлар агентлиги (ЖАКСА) фазодаги "қора туйнук"ларни ўрганишга мўлжалланган янги сунъий йўлдошни ишлаб чиқари-

ришни режалаштирмоқда. У фазога кўтарилганидан бир ой ўтгач, худди шу вазифани амалга ошириш учун учирилган, ҳозирда ишлан чиққан "Хитоми" қурилмасининг ўрнини эгаллайди. Янги ускуна 2020 йилда учирилиши кўтил-моқда.

ЖАКСА вице-президенти Саку Цунэтанинг айтишича, янги сунъий йўлдош-ни ишлаб чиқишда "Хитоми"нинг бузилишига сабаб бўлган барча хатолар эъти-борга олинади.

Эндиликда япон мутахассислари сунъий йўлдошни бошқаришнинг техник имкониятларини яхшилаши лозим. Бу эса, уларнинг фазовий чикиндилар билан тўқнашиб кетишларига йўл қўймаслиги керак.

Интернетдан фойдаланишни тақиқлади

Британия суди Англиянинг Кент графлигида яшовчи 20 ёшли қизни ҳақоратли твитлари учун 3 йиллик қamoқ жазосига ҳукм қилди.

Хлоя Коуэн исми ушбу қиз жабрланувчиларга жиддий руҳий зарба етказишда айбдор деб топилган. Судда айбланувчи ўз айбини тўлиқ тан олди.

Суд айбланувчига қўшимча жазо сифатида кейинги 10 йил давомида интернетдан фойдаланишни тақиқлади. Шунингдек, жабрланувчиларнинг оила аъзолари билан мулоқот қилишни ҳам ман этди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

Реклама

Qishloq Qurilish Bank

Барча юртдошларимизга 2016 йил — "Соғлом она ва бола йили" муносабати билан миллий валютадаги қуйидаги янги жамғармали омонат турларини тақлиф этади:

"Соғлом авлод учун" — омонатга маблағлар 6-12-24 ойга қабул қилинади.

Омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади ва ҳисобланган фоиздан 2 фоиз миқдоридан омонатчининг розилигига асосан ҳар ойда **"Соғлом авлод учун"** ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси ҳисоб рақамига ўтказилади.

"Бахтли бола" — омонатга маблағлар 1 йилдан 5 йилгача қабул қилинади.

Омонатга ҳисобланган фоизлар капитализация қилинади, яъни ҳисобланган фоизларга қўшимча тарзда фоизлар ҳисобланади ҳамда омонат суммасига қўшимча маблағ қўйилиши мумкин. Ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагач тўлаб берилади.

Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатингиз:

- ✓ солиқ ва мажбурий тўловлардан озод;
- ✓ эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- ✓ миқдори чекланмаган.

Мурожаат учун: (+99871) 150-72-58, 150-39-93

Қишлоқ қурилиш банк — фаровон ҳаётингиз хизматида!



XALQ BANKI

Замон билан ҳамнафас ва ҳамқадам



Сирасини айтганда, кеча ким эди, бүгун ким бўлганлигини теран ҳис қилиш учун тобора яқинлашиб келадиган мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллик даври мобайнида босиб ўтган мураккаб йўлимизга яна бир бор назар ташлашимиз кифоя.

Ўтган муддат чин маънода мамлакатимиз ҳаётида туб бурилишлар, янгиланишлар даври бўлди. Нега деганда, Президентимиз раҳнамолигида олиб борилган кенг қўламли ислохотлар натижасида нафақат иқтисодиётнинг барча соҳасида мисли қўрилмаган натижаларга эришилди, балки юрдошларимизнинг онгу тафаккури юксалиб, ҳаёт ва меҳнатга муносабати бутунлай ўзгарди.

Хусусан, бутун дунёда эътироф этилган тараққиётнинг "ўзбек модели" асосида молия муассасаларини ислох қилиш ҳамда янада ривожлантириш юзасидан аниқ чоратadbирлар қўрилгани туфайли қисқа муддатда Ўзбекистонда мустақил банк тизими яратилди. Акциядорлик тижорат Халқ банкининг фаолияти барқарорлигини таъминлаш, аҳоли ишончини мустаҳкамлаш, ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаган ҳолда, замонавий банк хизматларини кўрсатиш борасида амалга ошираётган ишлари бунга ёрқин мисол бўла олади.

Маълумки, собиқ Иттифок даврида банк тизими ниҳоятда қолоқ аҳволда бўлгани учун, ҳеч бир халқаро ташилот томонидан бирор марта ҳам эътироф этилмаган эди. Мустақиллик йилларида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда соҳада тизимли ислохотлар рўёбга чиқарилиши, бу жараёнда тегишли фармон ва қарорлар талаблари ҳаётга изчил татбиқ қилиниши самараси ўларок, юртимиз банклари қаторида Халқ банки ҳам мунтазам равишда "Standard & Poog's" халқаро рейтинг агентлигининг ижобий баҳосига сазовор бўлмоқда.

Шу билан бирга, "Bank Exro" банк фаолияти технологиялари, ускуналари ва хизматлари миллий кўргазмаси ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинмоқда.

Дарҳақиқат, мустақиллик шарофати билан республикамиз банк тизимида, шу жумладан, Халқ банкида қатор янги хизмат турлари жорий этилди, куйида шулар ҳақида ҳикоя қиламиз.

Янги тўлов тизими барча ҳудудни қамраб олмақда

Кўпгина чекка қишлоқларда яшовчи фуқароларимиз илгари коммунал ва бошқа тўловларни амалга ошириш учун туман марказларига борганликлари ҳаммамизга маълум. Халқ банки уларнинг манфаатларини кўзда тутган ҳолда, нафақат шаҳар ва туманларда, балки қишлоқ жойларда, маҳаллаларда филиаллар, махсус кассалар, жамгарма ва сайёр кассалар ташкил этиб, замонавий технологиялар воситасида аҳоли талаблари бўйича банк хизматлари кўрсатишга ҳаракат қилиб келмоқда. Чунончи, банк ходимлари ўша ҳудудларга бориб, аҳолидан нақд пул ва тўлов терминалларидан қабул қилинган тўловларни планшетларга ўрнатилган махсус дастур орқали онлайн тизимида қорхоналарнинг ҳисоб рақамларига ўтказиб келмоқда.

Айниқса, дам олиш кунларида ҳам банк ходимлари бундай йомушни бажараётгани фуқароларимизга манзур бўлмоқда.

Хавфсизлик ва ишонч гарови

Халқ банки тизимида замонавий ахборот технологияларини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, бу молия бозорида рақобатбардошлик даражасини барқарорлаштириш, хизмат кўрсатиш хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда Халқ банки тизимида қўшимча равишда янги биометрик технологиялар асосида мижозларнинг "бармоқ изи" бўйича омонатларга маблағларни қабул қилишда тезкор, ишончли ва кам вақт олувчи тизим яратилган.

Ушбу тизим бўйича банкнинг жамгарма кассаларидаги махсус ридер ускунаси асосида омонатчиларга омонат ҳисобварақлар очиш чоғида кейин бўладиган операцияларни фақатгина уларнинг иштирокида амалга ошириш

учун уларнинг бармоқ изларидан намуналар олинади.

Ушбу тизимнинг ютуқли томони омонатчининг иштирокисиз ҳеч қандай операциялар (фоизлар ҳисобланишидан ташқари) амалга оширилмаслигидир.

Мазкур хизмат жорий йилнинг июль ойидан бошлаб банкнинг барча филиалларида тўлиқ жорий этилди.

"Интернет банкинг" ва "Мобиль банкинг" афзалликлари

Халқ банки томонидан кейинги йилларда "Интернет банкинг" ва "Мобиль банкинг" тизимларини жорий этиш бўйича муайян ишлар олиб борилмоқда. Пировардида мазкур хизматлар молия муассасаси фаолияти самардорлигини ошириш билан бирга, мижоз учун ҳам қўшимча қулайликлар яратаяпти.

Гап шундаки, мижоз ўз ҳисобварағи бўйича амалларни банкка бормасдан, хоҳлаган жойда туриб, истаган вақтда интернет орқали бажариши, яъни ҳисобварағидаги маблағларни ўтказиш, уларнинг ҳолати, маблағнинг келиб тушиши, тўловларнинг акс этишига доир маълумотларни олиши мумкин. Бу унинг вақтини тежаши, манзилнинг узоқ-яқинлигига қарамасдан, маблағини тезкор бошқариши учун афзалликлар эмасми?

Эътиборлиси, сиз ҳақингиздаги ҳар қандай маълумот сир сақланиши қонун билан белгиланган бўлиб, унга амал қилиш Халқ банки томонидан қафолатланади.

"SMS-хабарнома" хизмати

Акциядорлик тижорат Халқ банкининг жамғариб бориладиган пенсия тизими иштирокчилари учун "SMS-хабарнома" хизмат тури жорий этилди.

Ушбу интерактив хизмат тури Халқ банкида Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизими иштирокчиларига янги, замонавий хизмат турлари қўламини кенгайтириш ҳамда ахборот-коммуникация соҳасидаги илғор технологиялардан фойдаланган ҳолда мижозларга тез ва ишончли хизмат кўрсатиш имкониятини беради.

Бир сўз билан айтганда, ушбу хизмат мижознинг мобиль алоқа воситалари орқали исталган вақтда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб рақамидagi маблағлар қолдиғи тўғрисида маълумот олиш имконини берувчи дастурий тизимдир.

Мижозлар эътирофи

Абдужалол МАДИЕВ, Қибрай туманидаги "Яшнобод" маҳалласида истиқомат қилувчи мижоз:

— Халқ банкининг туманимиздаги филиалида мижозлар учун яратилган қулайликлардан жуда хурсандимиз. Кунни кеча, қаранг, янги ҳорий қилинган планшет мосла-

маси орқали газ ва совуқ сув учун пул тўладим. Авваллари тўловларимиз белгиланган ҳисоб рақамига тушиши учун муайян вақт кетар эди. Янги хизмат орқали эса барча турдаги тўловлар зумда амалга оширилса, ҳатто кичик принтер ёрдамида тегишли чекни ҳам олса бўлар экан.

Раъно АШУРОВА, Қибрай туманилик мижоз:

— Мен илгарилари барча тўловларни Халқ банкининг филиалларига бориб тўлаб келардим. Бугунги кунда ушбу муассаса "Банк мижоз учун" деган таомилга тўлақонли амал қилган ҳолда, мижозлар учун замонавий тўлов тизимларини жорий қилаётгани қувонарлидир. Мисол учун, банк ходими сумкачасидан планшет, термомпринтер ва терминални олиб, бизнинг барча тўловларимизни бир зумда қабул қилиб олди. Узогимиз яқин бўлгани шу эмасми?!

Зулфинисо НИЁЗМЕТОВА, Олмазор туманида яшовчи мижоз:


— Кўп йиллардан буён Халқ банкининг туманимиздаги филиалига маблағларимни омонатга қўйиб келаман ҳамда унда ҳисобланган ойлик

фоизларни белгиланган вақтда оламан. Бу ерда омонатчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва уларга янада кўпроқ қулайликлар яратиш мақсадида "Бармоқ изи" дастури ишлаб чиқилиб, амалиётда қўлланилаётгани, айниқса, диққатга сазовор. Ишонасими, мен биринчи марта бармоқ изларим ёрдамида банкка омонат қўйдим. Бу жуда кам вақт талаб қиладиган ва ишончли тизим экан. Барака топсин банк ходимлари!

Зайнаб АКБАРОВА, Юнусобод туманида истиқомат қилувчи мижоз:

— Халқ банкида "Бармоқ изи" дастури ҳаётга татбиқ қилинганини эшитиб, унинг илк фойдаланувчиларидан бири бўлгим келди. Бу дастурнинг менга маъқул бўлган жиҳати шуки, ҳар қандай мижоз қисқа вақтда омонатини қўйиши ва олиши мумкин. Бу ҳақда бошқаларни ҳам хабардор қилганимда, кўпчиликнинг фикри бир жойдан қикди: бизбоп экан! Халқ банкида мана шундай замонавий хизматлар янада кўпроқ бўлишини истаймиз. □

Банк Ахборот хизмати
Хизматлар лицензияланган





Роналдудан хайрия

Яқинда ўз ниҳоясига етган футбол бўйича Европа чемпионатида голибликни кўлга киритган Португалия терма жамоаси сардори Криштиану Роналду яна бир бор хайрия қилди.

У Евро-2016даги чемпионлик учун берилган 275 минг евро микдоридаги мукофот пулларини болалар оқсон касаллигига қарши кураш фондига ўтказиб берди.

Эслатиб ўтамиз, Криштиану Роналду жорий йилда Мадриднинг "Реал" клуби сафида Европа чемпионлар лигасида голиб қилганида берилган пулларни ҳам айнан шу фондга ўтказган эди.



Оғир жароҳат фаолият якуними?

"Шанхай Шэньхуа" клуби ҳужумчиси Демба Ба Хитой суперлигасининг "Шанхай СИПГ" клубига қарши кечган ўйинида олган оғир жароҳати туфайли фаолиятини якунлаши мумкин. Ўйиннинг иккинчи таймида у рақиб футболчиси билан тўқнашиб, оёғини синдириб олган.

31 ёшли футболчи дарҳол касалхонага ётқизибли, жарроҳлик амалиётини ўтказди. 4 соат давомида наркоз таъсирида бўлган Ба ҳушига келгач: "Ўйинда ютдикми?" — деб сўради. Уни кўриш учун Шанхай вице-мэри ва у билан тўқнашиб кетган футболчи касалхонага ташириб буюришди.

Шифокорларнинг гапига кўра, Ба 8 ой давомида майдонга туша олмайди. Агар жароҳати тузалмаса, фаолиятини якунлайди.

"У фаолиятини якунлаши мумкин", — деди "Шанхай Шэньхуа" мураббийи Грегорио Мансано.

Эслатиб ўтамиз, Демба Ба ўтган йили "Шанхай Шэньхуа" клубига Туркиянинг "Бешикташ" жамоасидан тахминан 12 млн. фунт стерлингга ўтган эди.

Моуриньонинг уйига ўғри тушди

Англиянинг "Манчестер Юнайтед" клуби бош мураббийига айланган Жозе Моуриньо ўғирлик қурбони бўлиши мумкин эди.

Гап шундаки, 10 июль куни Жозе турмуш ўртоғи билан Евро-2016 финалини томоша қилишган. Шу пайт уй хизматкори номаълум шахс ертўла орқали уйга киришга уринаётганини кўриб қолган ва дарҳол полиция чақирган. Полиция етиб келгунча ўғри жуфтакни ростлаб қолган. Бироқ кўшни уйга ўғирликка тушаётган пайтида кўлга олинган. Моуриньони тунамокчи бўлган ўғри 25 ёшли йигит бўлиб чиқди. Суд уни бир ой муддатга қамоқ жазосига маҳкум қилди.



Блашиковски трансферга қўйилди

Ярим ҳимоячи Якуб Блашиковски Дортмунднинг "Боруссия" клубини тарк этади.




Сўнги йилларда уни жаҳолатлар безовта қилляпти. Сўнги мавсумда у Италиянинг "Фиорентина" клуби шарафини ҳимоя қилган эди ва А серияда бор-йўғи 15 та ўйин ўтказди. Футболчининг Евро-2016даги яхши ўйинига қарамай, дортмундиклар уни сотишга қарор қилди.

Сане учун кураш жиддий

Германиянинг "Шальке" клуби ҳужумкор ярим ҳимоячиси Лерой Сане номдор клублар эътиборини ўзига қаратмоқда. Бироз муддат аввалроқ, ушбу ёш футболчи Англиянинг "Манчестер Сити" клуби билан 4 йиллик шартнома борасида келишиб олган, "Шальке" жамоаси эса Сане учун 50 миллион евро сўраётгани ҳақида хабарлар тарқалган эди.

Энди эса "Бавария" клуби Санени ўз сафига қўшиб олишга бел боғлади. Мюнхенликлар аввалига 20 ёшли футболчини бир йилдан сўнг сотиб олишни мўлжаллашаётган эди. Аммо Арьен Роббеннинг олти ҳафтага сафдан чиққани клубни Сане учун курашга қўшилишга ундади.



Пакьяо — Мейвезер: реванш жанги ўтказилиши мумкин

Сайёрамизнинг икки буюк боксчиси филиппинлик Мэнни Пакьяо ҳамда америкалик Флойд Мейвезер ўртасидаги реванш жанги ташкил этилиши эҳтимоли бор.

Бу маълумотни Пакьяонинг мураббийи Фредди Роуч ҳам тасдиқлади. Унинг фикрича, Мэнни Пакьяо яқин кунларда жангга тайёргарликни бошлайди. Фаолиятини якунлаган Флойд Мейвезер ҳам айнан шу жанг учун фикрини ўзгартириши мумкин.

37 ёшли Пакьяо апрель ойида америкалик Тимоти Брэдлини мағлубиятга уратганидан сўнг фаолиятини якунлаганини эълон қилган. Аммо ўша фикрдан бир ой ўтди, Мэнни яна жанг ўтказиш истагида эканини айтди.

Бу икки боксчи ўртасидаги илк жангини ташкил этиш учун 6 йил вақт керак бўлган. Роучнинг айтишича, реванш жанги юзасидан келишиб олиш учун кўпи билан икки ой етади. Боз устига, Мэннининг промоутери Боб Арум ҳамда Мейвезернинг менежери Эл Хэймон дўстона алоқада.

Воқеалар ривожини кутамиз.



«Боруссия Д» икки футболчи учун 60 млн. евро сарфлади

Хабарингиз бор, Дортмунднинг "Боруссия" клуби трансферлар вақтида ўз сафини "Вольфсбург" жамоаси ярим ҳимоячиси Андре Шюррле ва "Бавария" клуби аззоси Марио Гётце билан кучайтирди.

Маълум бўлишича, "сарик-коралар" икки футболчи учун 60 млн. евро сарфлаган. Унга кўра, Шюрленинг трансфери клубга 32-33 миллион еврога тушган бўлса, Гётце учун 28 миллион евро тўланган.

Хар икки трансфер яқин вақт ичида расман эълон қилиниши кутилмоқда.

Маҳрезнинг нархи эълон қилинди

Англиянинг амалдаги чемпиони "Лестер" клуби ярим ҳимоячи Рияд Маҳрезни сотиб олмақчи бўлганлар учун унинг нарҳини эълон қилди.

The Telegraph нашрининг хабар беришича, жазирлик футболчининг харидорлари камида 45 млн. фунт стерлинг тўлаши керак бўлади.

Ўз навбатида, "тулкилар" жамоанинг етакчи футболчиларидан бири бўлган Маҳрезни қўйиб бориш ниятида эмас. Унга ҳафтасига 100 минг фунт стерлинг маош таклиф қилинмоқда.

Айни дамда "Лестер" клуби посбони Каспер Шмейхель, ярим ҳимоячи Дэни Дрикуотер ва бош мураббий Жамалду Раньерининг шартномаларини узайтириш борасида музокаралар олиб боришмоқда.

Интернет хабарлари асосида Мақсудали ҚАМБАРОВ тэйёрлади

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Самарқанд вилоят прокуратураси жамоалари ҳамда Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази прокуратура фахрийси Бахриддин БАҲРОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чучук ҳамдардли билдиради.

Huquq

юрidik gazeta

Муассис:
O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi

Бoш муharrir:

Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:

Hakimboy HALIMOV
Gulnoza RAHIMOVA
Baxtiyor NAZAROV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Kamoliddin ASQAROV
(mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:

Toshkent shahri, Yahyo
G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,
Faks: 233-10-53,
233-64-85

E-mail:
huquq@huquq-gazeta.uz

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi.
Sotuvda kelishgan narxda

Tahriryatga kelgan qo'lyozmalar taqiriz qilinmaydi va egalariга qaytarilmaydi.
Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farglanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
□ — tijorat materiallari.
Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Nashr ko'rsatkichi
231

Buyurtma s-6530. 38 979 nusxada bosildi.
Oqog'oz bichimi A-3, hajmi 3 bosma toboq.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida teriladi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: G. HOJIBOYEVA
Sahifalovchi: S.BABA JANOV
Navbatchi: O'.DEHQONOV
Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 22.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxonada manzil: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O'zbekiston
Respublikasi matbuot va
axborot agentligida 2009-yil
12-oktabrda 0188-raqam
bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617



9 772010 761004